

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ
ФАКУЛЬТЕТ

“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси

4151500 “Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва
маънавият асослари” таълим йўналиши IV курс 5-45
гуруҳ талабаси
ХУДОЁРОВ ЖУМАНИЁЗнинг

**“МАРКАЗИЙ ОСИЁ
АЛЛОМАЛАРИНИНГ
ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ
МЕРОСИ”**

мавзусида ёзган

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди:
“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси мудири, ф.ф.н.
С.Исмоилов _____
“_____” _____ 2012 йил

Илмий раҳбар:
“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси мудири, ф.ф.н.
С.Исмоилов _____
“_____” _____ 2012 йил

Мавзу: МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИ

Р Е Ж А :

КИРИШ

I-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИЛМ-ФАНДАГИ ЎРНИ

1.1. Марказий Осиёдаги илмий мактаблар.

1.2. Марказий Осиё алломаларининг ҳаёти ва фаолияти.

II-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

2.1. Маъмун академиясидаги олимлар.

2.2. Хоразмшоҳ Маъмун академиясидаги олимлар.

III-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИ МЕРОСИ

3.1. Марказий Осиё алломалари меросининг таснифи.

3.2. Марказий Осиё алломалари меросининг аҳамияти.

ХУЛОСА.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Ўзбекистонинг давлат мустақиллиги, суверенитетини қўлга киритилганидан сўнг, ўзбек халқи, унинг маънавий маданияти мислсиз гуллаб-яшнаш имкониятига эга бўлди. Миллий уйғониш, асл миллий анъаналар ва маънавий қадриятларнинг тиклашга қаратилган давлат сиёсатининг олиб борилиши, ўзбек халқининг маънавий қуллик тузоқларидан озод бўлишига, унинг маънавий ижодкорлик қувватларининг барқ уриб ривожланишига, дунё ҳамжамияти маънавий маданияти тараққиётида ўзига хос ва муносиб ўрин эгаллашига олиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида илдам қадамлар билан маънавий ҳаётимизга кириб келиб, онгимизда ўрнашаётган сўзлардан бири – бу “мерос”дир. Истиқлол йилларида бу тушунча жамият ҳаётига кириб кела бошлаши билан уларни илмий тадқиқ қилиш, жамиятдаги ўрнини белгилаб беришга бир қанча уринишлар бўлди. Мавзуга оид бир қанча тадқиқотлар, монографиялар ва ўқув қўлланмалари чиқди.

Ватанимизни жаннатмакон ўлка деб аташади. Шу ўлкани асл фарзандлари эса юрт шону-шавкатини оламга ёйган. Туркистон авлиёлар, алломалар ва буюклар юрти. Профессор М.Имомназаровнинг қайд этишича Туркистонда икки мингдан ортиқ алломалар яшаб ўтган. Исломшуносларнинг ёзишича Туркистонда мингдан ортиқ валийлар ўтган. Биргина Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат» асарида етти юз етмишта валийлар ҳақида маълумот берилган.

Ҳар бир ҳаёт жабҳасининг ўз буюк сиймолари бор:

Фан йўналишида: - ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино...;

Дин йўналишида: - Имом Бухорий, Имом Термизий, Аз-Замахшарий , Хўжа Аҳрор Валий...;

Тасаввуф йўналишида: - Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд...;

Адабиёт йўналишида: - Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий...;
Давлат бошқаруви йўналишида: - Амир Темур, Мирзо Улуғбек,
Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар фаолиятини қайд этиб ўтиш
мумкин.

Инсоният тарихида бир катор улуғ сиймолар яшаб ўтганки, улар халқни,
миллатни фахри ва ифтихоридир. Юлдузлар тунни ёритганидек ҳар бир
халқнинг даҳолари ўша халқнинг илмий меросини жаҳонга кўз-кўз қилади.
Маънвиятимизда ана шундай сиймолар жуда кўп ва сон саноксиздир. Биз
буюк сиймолардан энг ёруғларини саралаб олдик. Уларнинг нурли сиймоси,
хаёт йўли ва улар қолдирган бой маънавий мерос бугунги кун мустақиллик
фарзандлари учун йўлчи юлдуз, маёқ вазифасини ўтайди.

“Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни
эгаллашда ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний,
ал-Бухорий, ат- Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Баҳоуддин
Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо
мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади, халқимизни
кучига-куч, ғайратига ғайрат, ишончига ишонч қўшади”¹.

Мавзунинг долзарблиги: Президентимиз мустақиллигимизнинг
маънавий-ахлоқий негизлари тўғрисида тўхталиб, бу негизлар “умуминсоний
қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва
ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
Ватанпарварлик”² эканлигини кўрсатиб ўтганлар.

Шундай экан, халқимизнинг маданий мероси, юксак маънавий
қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни мустақил ўлкамизда
яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириш, айниқса ёш авлодни маънавий
етук, миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, уларни фидоий кишилар
қилиб шакллантириш ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бирига
айланди. Бундан ташқари, буюк бобокалонларимиз, жаҳон фани ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992. 17 бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. I-том. - Б. 76.

маданиятига ўзларини бекиёс ҳиссаларини қўшган улуғ ватандошларимиз маданий меросини ўрганиш, бу меросдан ёшларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш жараёнида фойдаланиш бугунги куннинг асосий вазифаларидандир. Шу сабабли биз мазкур битирув-малакавий ишимизни **Марказий Осиё алломаларининг илмий-фалсафий мероси** мавзусида тайёрлашга аҳд қилдик.

Битирув-малакавий ишимизнинг мавзусидан келиб чиқиб, унинг асосий мақсади сифатида қомусий алломаларимизнинг илмий меросини ўрганиш деб олдик. Юқоридаги бош мақсаддан келиб чиқиб, битирув-малакавий ишни бажаришда ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик:

- Марказий Осиё алломалари мероси моҳиятини ўрганиш, уларнинг умуминсоний мероси тизимидаги ўрнини кўрсатиш;
- миллий ва умуминсоний илмий меросларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини баён қилиш;
- ёш авлодни Марказий Осиё алломалари илмий мероси асосида тарбиялашнинг асосий мақсади ва вазифаларини изоҳлаш;
- Марказий Осиёлик қомусий олимлар меросида қадриятлар тизимининг ўрганилишини кўрсатиш ва баҳолаш;
- баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида Марказий Осиё алломалари илмий меросининг ўрни ва ролини баҳолаш;
- ёшларни мафкуравий тарбиялашда алломалар меросидан фойдаланишнинг аҳамиятини кўрсатиш ва бошқалар.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар. Битирув-малакавий ишимизнинг янгилиги, бизнингча, Марказий Осиё қомусий мутафаккирларининг илмий мерослари миллий маънавий қадрият ва умуминсоний қадрият сифатида ўрганишга ҳаракат қилинди. Бундан ташқари, уларнинг мерослари, қолдирган нодир асарларидаги миллий ғоя ва мафкурага берилган баҳолари тадқиқ этилиб, улардан ёш авлодни ғоявий тарбиялаш жараёнида қўлланиш соҳалари кўрсатилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Битирув-малакавий ишимиздан маънавият асослари, диншунослик, фалсафа, ахлоқ, маданиятшанослик, ўзбекистон тарихи, миллий ғоя, қадриятлар фалсафаси, ижтимоий фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлардан олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежлари талабалари, шунингдек, ўқитувчилар маъруза ва семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш жараёнида, бундан ташқари мазкур фанлардан курс ишлар ва ТМИлар ёзишда амалий жиҳатдан фойдаланишлари мумкин.

БМИ: Кириш, уч боб, олти параграф, Хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИЛМ-ФАНДАГИ ЎРНИ

1.1. Марказий Осиёдаги илмий мактаблар.

Бугунги кунда мутафаккирлар илмий меросининг ўрганиш масаласи, ислом тарихи ҳамда фалсафаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш Илмий меросимиз ривожига учун катта аҳамиятга эга. Бу каби тадқиқотларни олиб боришда бир қатор Республикамиздаги олимлар илмий ва педагогик жамоаси муносиб ўрин эгаллайди. Айниқса, ислом илм-фани, Илмий мероси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини тадқиқ этиш олим ва тадқиқотчиларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Шу ўринда айтиш керакки, VII—XII асрларда Мовароуннаҳрдан мазкур илмлар бўйича кўплаб алломалар етишиб чиққан. Жумладан, манбаларда Мовароуннаҳрда уч мингдан ортиқ таниқли муҳаддислар фаолият олиб боришганлиги келтирилган. Улардан 2000 дан ортиғи - Самарқанд, Бухоро ва Насафда, қолганлари Шош, Фарғона, Кеш, Термиз ва Хоразмда, шунингдек Уструшона, Дабусия, Кушония ва бошқа минтақаларда фаолият кўрсатишган. XIX асрда яшаб самарали ижод қилган ҳиндистонлик аллома Абдулҳай Лакнавий ўзининг "ал-Фавоид ал-бахиййа" асарида ўрта асрларда фаолият кўрсатган

Самарқандлик, Фарғоналик, насафлик, Бухоролик ва Хоразмлик алломалар ҳаёти ва илмий фаолияти хусусида маълумотлар келтирган. XI-XII асрларда яшаб ижод қилган кешлик улуғ аллома Абу Муҳаммад Абд ибн Ҳумайд Кеший ўз асарлари, айниқса, "Муснади Абд", "Тафсири Абд" билан ҳадис, тафсир, фикҳ илмларига ҳисса қўшди. XI асрда яшаган яна бир кешлик аллома Абу Шакур ас-Солимий ўзининг "ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид" асарида мотуридия таълимотининг эътиқодий масалаларини баён қилиш билан бир қаторда, ашъария таълимотига ўз муносабатини билдирган. X асрда яшаб ижод қилган бухоролик аллома Абу Али ал-Бухорий аз-

Зандавистий етук фикҳ бўлгани ҳолда, турли мавзуларда ижод қилган. Унинг "Равзатул-уламо ва нузхатул-фузало" асари диний-ахлоқий манба бўлиб, ханифиялик мазҳаби асосида ёзилган. Бу маълумотлар Ватанимиз илм тарихини ўрганишда муҳим манбалар сирасига кириши шубҳасиз.

Маълумки, 1370 йили салтанат тепасига келган Амир Темур ўзининг ўттиз беш йиллик ҳукмронлиги даврида давлатнинг асосий таянчи Самарқандни ҳам сиёсий, ҳам маданий жиҳатдан жаҳоннинг энг гўзал ва обод шаҳрига айлантирди, уни маҳобатли иморатлар, ажойиб боғу роғлар билан беади. Қиёслаш учун дунёнинг Боғдод, Дамашқ, Лариж каби машҳур шаҳарлари номларини атрофдаги қишлоқларга берди. Шаҳар маданий ҳаётини ривожлантириш учун эса Соҳибқирон ўзи забт этган мамлакатларнинг олиму уламолари, санъат ва маданият намояндалари, шоирлари, ҳунармандлари, меъморлари, қурувчиларини Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Туркистонда ва бошқа жойларда олиб борилаётган ободончилик ишларига жалб қилди. Темурийлар даврида мамлакат ободончилиги учун барча давлат аъёнлари ўз имкони ва моддий қуввати етганча иморатлар, боғлар, масжидлар, кўприклар қуришга интиланлар. Натижада, XIV аср охирига келиб, Самарқанд ва Ҳирот жаҳоннинг обод ва гўзал шаҳарларига айланган. Бу даврнинг ижодкорлик руҳи ва маҳобатли иморатлардаги етакчи ғоя Шаҳрисабзда қурилган Оқсарой пештоқига битилган «Агар бизнинг қудратимизга шубҳалансангиз, биз яратган иморатларга қаранг» хитоби мазмунига тўғри келади.

XIV асрда Самарқандга ўша давр тасаввуфининг кубравия, яссавия ва нақшбандия тариқатини ўрганиш учун дунёнинг барча шаҳарларидан кишилар келар эди. XIV аср иккинчи ярмидаги Самарқанднинг сиёсий ва маданий ҳаёти устод Бехзоднинг Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишлаган миниатюраларида ўзининг бадиий аксини топди. XV аср биринчи ярмини темурийлар давлати маданиятининг энг ёрқин даври, дейиш мумкин. Мирзо Улуғбек раҳбарлигида Самарқанд янада обод этилиб, илм-фан, айниқса, махсус расадхона қурилгач, илми нужум-астрономия марказига

айланиб, натижада, машхур «Зижи жадиди Кўрагоний», яъни 1018 юлдузнинг астрономик жадвали тузилди. Расадхона ичлари буржлар тасвири билан безатилди. Мирзо Улубек «Тарихи арбаъи улуси Чингизий» номли тарихий асарни тарғиб қилишда шахсан иштирок этди. Бу даврда Самарқанд илм-фан ва маърифат ўчоғи бўлиб, бу шаҳарда таълим олишни ўша давр зиёлилари ўзлари учун зарур ва шарт, деб билишарди. Шунинг учун бўлса керак, ёш Абдурахмон Жомий ҳам таълим олиш учун Ҳиротдан Самарқандга келган эди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга, унга ҳолисона фикр билдиришга катта имкониятлар яратди, осори-антиқа ёдгорликларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни бир ёқламали ёритиш, чегаралаш, маълум жараён ва илм фан арбобларининг фаолияти ва хизматини инкор этишдек нотўғри ғоялар ва усуллардан тозалашга, хур фикрлилиқни инкор этишга қарши туради.

Маданий меросимизни, ўтмиш қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг маърузаларида бир неча бор таъкидланганидек, ҳозирги миллий манавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларининг шаклланиш босқичлари ва хусусиятларини очиб бериш учун зарурдир. Бу эса, ўз навбатида, янги жамиятимизнинг тўғри ривожини, келажагини оқилона белгилаш, юксак демократик давлат қуриш учун хизмат қилади.

IX-XV асрлар Марказий Осиё халқларининг маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, фалсафий, диний таълимотлари ривожланишида кескин ўзгаришлар, туб бурилишлар юз берди. Бу маданий жонланиш ва юксалиш жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб борди, маънавий ҳаётни қамраб олди. Ана шу даврларда Марказий Осиё халқлари дунё маданияти тараққиётининг энг олдинги, етакчи сафларида туриш даражасига кўтарилди. Марказий Осиёнинг жаҳон маданияти тараққиётининг йирик ўчоқларидан бирига айланиши худди шу пайтларга тўғри келади.

IX асрнинг иккинчи ярмидан равнақ топа бошлаган, X -XII асрларга келиб эса мислсиз натижалар берган, буюк маданий юксалиш ва тараққиётнинг шарт- шароитлари, асосий сабаблари, манбалари, ҳал қилувчи қатор омиллари бор эдики, уларни ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш ва баҳолаш ривожланган ўрта асрларда миллий ва умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатни кўрсатиб беришга ёрдам беради.

Маданият ва илмий мероснинг жадал суратлар билан тараққий этиб боришини ҳаётий заруриятга айлантирган асосий сабаблардан бири - Марказий Осиё халқларининг эрк, адолат, ҳақиқат, мустақиллик учун араб ва мўғул босқинчиларига қарши олиб борган курашларидир.

Марказий Осиёда чет эл босқинчилари ҳукмронлигининг тугатилиши ва миллий мустақил давлатларнинг барпо этилиши натижасида феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг, ички ва ташқи савдо алоқаларининг, хунармандчиликнинг ривожланиши, илм-фан ва маданиятнинг, фалсафанинг равнақ топиши миллий қадриятларнинг тикланиши ва такомиллашиб боришига кенг шароит яратилди. Бу даврда мамлакат ичидаги ўзаро урушлар камайди. Бухоро, Урганч, Марв, Шош, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда хунармандчилик, косибчилик анча тараққиётга эришди. Буларнинг ҳаммаси ўз ўрнида маданият ва фаннинг ривожланишига олиб келди.

Жамият тараққиёти ўртага қўйган талаблар ҳамда мавжуд шарт-шароит туфайли IX-XV асрларда Марказий Осиёда, шунингдек, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида илм-фан ва маданият чинакамига гуркираб яшнади, бу давр "Ренессанс"-Уйғониш даври номини олди.

Уйғониш даври мутафаккирлари ўзларининг қомусийлиги бир пайтнинг ўзида ҳам файласуф, ҳам мусиқашунос, ҳам математик, ҳам мантиқшунос, социолог, филолог, ҳам тарихчи ва табиатшунос, ҳуллас, фаннинг барча соҳаларида етуқлиги билан ажралиб турадилар. Бу сиймоларнинг яна бир ўзига хос жиҳатлари бир пайтнинг ўзида деярли барча мутафаккирлар бир неча тилларни мукамал билганликлари, бир неча тилдаги манбалардан

фойдалана олганликлари, таржималар қила олганликларидир. Бу эса ўз ўрнида миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга олиб келди.

Буюк мутафаккирлар томонидан чуқур илмий асосланган илмий ғоя ва таълимотлар фақат улар яшаб ижод этган давр учунгина эмас, балки келажакни олдиндан башорат қилиш, табиий, ижтимоий воқеа ва жараёнларни олдиндан айтиб бера олиш нуқтаи назаридан ҳам бебаходир. Донишманд боболаримизнинг илмий- фалсафий таълимотлари тор миллий қобикқа ўралиб қолган эмас, балки ҳам миллий, ҳам умуминсоний, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган таълимотлардир. Яна шу нарса диққатга сазоворки, Шарқ мутафаккирларининг деярли ҳаммаси ўз даврининг қайноқ ҳаёти марказида бўлишди, амалий ишларда фаол иштирок этишди, элим, халқим, юртим дея ёниб яшашди. Бу уларнинг ҳақиқий комил инсон, баркамол шахс, оташин ватанларвар, халқларвар ва буюк аллома эканликларидан далолат беради. Биз қуйида Марказий Осиё мутафаккирларининг айримлари ижодида илмий мерос муаммосини ёритилиши ҳақида тўхталиб ўтамиз.

1.3. Марказий Осиё алломаларининг ҳаёти ва фаолияти.

Мусо ал-Хоразмий (783-850)

Ал-Хоразмий жаҳон фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломадир. Унинг кўп қиррали илмий мероси жаҳон миқёсида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам кенг ўрганилган. Зеро, у «Байт ул-ҳикма»даги Марказий Осиё олимларининг энг машҳури бўлган.

Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий бўлиб, у 783 йилда таваллуд топган ва 850 йилда вафот этган. Европада «Алгоритмус» ва «Алгоритмус» номлари билан машҳур бўлган буюк математик, астроном ва географ. У ўз илмий фаолиятининг катта қисмини Богдоддаги «Байт ул-ҳикма»да ўтказгани тарихдан маълум. Мазкур даргоҳ халифа ал-Маъмуннинг шахсий эътибори остида бўлиб, маълум муддат ал-Хоразмий томонидан бошқарилган. Шу сабабдан ҳам ал-Маъмун билан ал-Хоразмий орасида ниҳоятда яқин муносабатлар бўлган. Халифа ал-Хоразмийни олим сифатида қадрлаган, «Байт ул-ҳикма» каби марказни бошқариш ишларини унга ишониб топширган ва у ерда олиб борилаётган илмий тадқиқотларга ҳар жиҳатдан кўмак берган.

Ибн ан-Надимнинг «ал-Фихрист» китобида ал-Хоразмий ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилади: «Ал-Хоразмий. Унинг исми Муҳаммад ибн Мусо, асли Хоразмдан. У ўзини ал-Маъмуннинг «Байт ул-ҳикма»сига бағишлаган фалаккиёт илмининг билимдонларидан эди. Одамлар астрономик тадқиқотлар бошлашдан аввал ва ундан сўнг ҳам ал-Хоразмийнинг «ас-Синдҳинд» номи билан маълум бўлган биринчи ва иккинчи зижига (икки астрономик жадвалларига) таянганлар. У қуйидаги асарларнинг муаллифидир: “Зиж” китобининг икки, яъни биринчи ва иккинчи таҳрирлари, «Қуёш соати китоби», «Астурлоб билан қилинадиган амаллар», «Астурлоб ясаш амали китоби» ва «Тарих китоби».

Илмий адабиётлардаги маълумотларга қараганда, ал-Хоразмий халифа Маъмун ва ундан кейинги халифалар даврида бир қанча илмий экспедицияларда иштирок этган. Жумладан, у 830 йили китоб йиғиш

мақсадида Ғарбий Ҳиндистонга, сўнгра эса Румга (Рим) ва, ниҳоят, Волга дарёсининг қуйи оқимидаги ўлка - Хазаристонга ҳам ташриф буюрган. Бундан ташқари, баъзи тадқиқотларда ал-Хоразмий Тадмир ва Раққа оралиғида ер меридианининг бир даражасини ўлчашда иштирок этган, деб қайд қилинади. Ҳофиз Тўқан эса, бу фикрни тасдиқлаш учун етарли асос йўқ, деб ҳисоблайди. Бизнинг наздимизда ал-Хоразмий бу тадбирда иштирок этган, чунки бу ўлчашларда «Байт ул-ҳикма»даги атоқли олимларнинг кўпчилиги қатнашган.

Ал-Хоразмий ўзидан аввалги ҳинд ва юнон илмларини пухта ўзлаштирган, уларга ижобий ёндашган ва ривожлантирган. У ҳозирги замон риёзиёт фанининг бир қанча тармоқ ва концепцияларининг асосчисидир. Жумладан, у замонавий алгебра фанининг биринчи таъсис этувчиси ҳисобланади. Ал-Хоразмий мазкур фанни муайян бир тизимга солибгина қолмай, балки бу фандаги оддий, мураккаб чизиқли ва квадрат тенгламаларнинг таҳлилий ечимини ишлаб чиқди.

Ҳозирда бутун дунёда қўлланиладиган алгебра сўзининг ўзи олимнинг машҳур «Ал-жабр вал-муқобала» сидаги «ал-жабр»дан олинган бўлиб, Европада «алгебра» шаклида ёзилган ва талаффуз қилинган. Кейинчалик бу сўз фанда ана шу тарзда ўрнашиб қолди. Ал-Хоразмий синус функцияли тригонометрик жадвалларнинг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган бўлиб, кейинчалик бу амалиёт тангенс функциясининг экстрополяциясини вужудга келтирди. У такомиллаштирган икки хато орқали ҳисоблаш усули, муаллифни дифференция концепциясига бошлаб келди. Олим конуссимон кесмаларнинг геометрик ҳолатини такомиллаштирди.

Ал-Хоразмий 0 (ноль)ни расмий равишда муомалага олиб кирди ва шу туфайли ҳозир фойдаланилаётган сонларнинг ўнлик позицион ҳисоблаш тизими бутун дунёга тарқалди. Муаллифнинг сонлар тизими ҳақидаги асарларидан бири Европада «Алгоритм» ёки «Алгоризм» номи билан танилган ва бундан замонавий алгоритм, алгоризм сўзи келиб чиққан. У

ҳисоб фанидаги қатор масалаларни, жумладан, касрлар билан бажариладиган амалларни ҳисоблашни янги поғонага кўтарди.

Ал-Хоразмий риёзиётдан ташқари, фалаккиёт илмида ҳам сўнмас из қолдирди. Унинг математика, астрономия ва география фанларидаги илмий мероси қатор тадқиқотчилар, жумладан, А.Аҳмедов тарафидан ўрганилган. Аллома бир қанча рисоалар ёзган бўлиб, уларнинг энг машҳури «Астрономик жадваллар» деб аталади. Хоразмийнинг «Зиж»и муқаддима, 37 боб ва 116 жадвалдан иборат бўлиб, унинг аввалги 5 боби хронологияга, 7-22 боблари Батламйуснинг геоцентрик системаси бўйича Қуёш, Ой ва беш сайёранинг ҳаракатларига, 23-боб тригонометрияга, 25-27 боблар математик географияга бағишланган, 28-бобда Хоразмий тангенс, котангенс тушунчаларини ва уларга мос жадваллар келтирган, 29-бобда сайёралар тезлигини аниқлаш, 31-32, 36-37 боблар мунажжимлик масалалари, 33-35 бобларда Қуёш ва Ой тутилиши ва лараллакс ҳақида сўз юритилади.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, «ал-Хоразмийнинг фалаккиёт соҳасидаги буюк хизмати шундаки, у эҳтиёж туғилган пайтда шундай асар яратдики, бу билан у астрономияни Улуғбек давригача, яъни бир неча асрга «стандартлаштирди». Хоразмийдан кейинги барча астрономлар ўз зижлари учун унинг «Зиж»ини намуна қилиб олдилар».

Ал-Хоразмий география фанининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг «Ернинг тасвири» китоби ўрта аср араб халифалигида яратилган илк ва муҳим географик асарлардан бири бўлди. Китобда муаллиф Батламйуснинг географияга оид қарашларини шарҳлаб, таҳлил қилиш билан бирга бу қарашларга қатор ўзгаришлар киритиб, уларни ривожлантиради.

Ал-Хоразмийнинг «Ернинг тасвири» асари муаллиф тарафидан махсус бобларга бўлинмаган, А.Аҳмедов уни шартли равишда олти бобга тақсимлаб шарҳлайди. Биринчи бобда ернинг одамлар яшайдиган обод қисмидаги шаҳарларнинг номлари етти иқлимга бўлинади, ҳар бирининг географик координатлари жадвал бўйлаб келтирилади. Иккинчи бобда иқлимдаги тоғлар баён этилади. Асарнинг учинчи бобида Ер қуррасида мавжуд бўлган

денгизлар санаб ўтилади, тўртинчи бобда - ороллар, бешинчи бобда - мамлакатлар, давлат ва ўлкалар, олтинчи бобда эса дарё ва булоқлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Умуман олганда, ал-Хоразмийнинг ушбу асарида 2402 та жойнинг географик координатлари берилган.

«Ернинг тасвири» асари 1983 йили илк мартаба ўзбек тилига таржима қилинди. Баъзи маълумотларга қараганда, «Байт ул-ҳикма»да етмишга яқин географлар ал-Хоразмий раҳбарлигида тадқиқотлар олиб борганлар ва тахминан 830 йилда дунёнинг илк харитасини яратганлар.

Аҳмад ал-Фарғоний

Европада Алфарангус номи билан танилган Абул-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний ўрта асрларнинг энг кўзга кўринган алломаларидан эди. Аҳмад ал-Фарғонийнинг исми фан тарихида машҳур, лекин, унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақидаги маълумотлар жуда оз, ноаниқ бўлиб, кўпроқ тахминларга асосланган. Олимнинг туғилган йили мантикий ҳисоблар билан 797 ёки 798 йиллар, деб қабул қилинган. Ўрта аср манбаларида Аҳмад ал-Фарғоний ҳақида қуйидаги маълумотлар сақланган.

Ибн ан-Надим ўзининг (ваф. 993 й.) «ал-Фихрист» асарида олимнинг исми Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний бўлиб, у фозил астроном ва бу соҳадаги етук олимлардан эканини зикр этади ҳамда унинг қаламига мансуб «Ал-мажистий»нинг қисмлари (боблари)» ва «Қуёш соатини яшаш ҳақида китоб» рисоаларини келтиради бу ерда «Ли мажистийнинг қисмлари (боблари)» номи билан алломанинг «Астрономия илми асослари» асари назарда тутилади.

Ибн ал-Кифтий (1173-1248) Аҳмад ал-Фарғонийнинг халифа ал-Маъмун тасарруфидаги астрономлардан бири эканини таъкидлаш билан бир қаторда, олимнинг «Фалаккиёт илмига кириш ва юлдузларнинг ҳаракати» рисоласини ёзганини айтиб ўтади. Муаллифнинг кўрсатишича, ал-Фарғонийнинг ўттиз бобдан иборат ушбу асари, «Ал-мажистий» китобининг моҳирона услуб ва тушунарли шарҳлар билан яратилган қисқартмасидан иборат.

Шуниси қизиқки, Ибн ал-Қифтий ўз асарининг кейинги саҳифаларида Аҳмад ал- Фарғонийнинг отаси бўлса керак, деган тахмин билан яна бир «бошқа», яъни Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний исмли астрономни ажратади ва унинг «Боблар китоби», «Мухтасар Ал-мажистий» ва «Қуёш соатини ясаш ҳақида» китобларининг муаллифи, дейди. Бироқ, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Ибн ал-Қифтий «ота» ва «ўғил» деб фарз қилган икки шахс амалда бир киши, яъни Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний бўлган.

Ибн Абу Усайбиъа ва Ибн Тоғриберди (1411-1470)лар Аҳмад ал-Фарғонийнинг Равда оролига (Миср) ўрнатилган нилометрни ислоҳ қилиш ва канал қазилар соҳасидаги гидромухандислик фаолияти ҳақида маълумот берадилар. Нилометр Нил дарёсидаги сувнинг баландлик даражасини ўлчаш учун мўлжалланган жиҳоз бўлиб, у 861 йили Аҳмад ал-Фарғоний тарафидан ислоҳ қилинган. Нилометр аслида 750 йили қурилган бўлиб, у биринчи марта 814-815 йили халифа ал-Маъмун, иккинчи марта эса 861 йили ал-Мутаваккил даврларида ислоҳ этилади. Шарқшунос Гастон Виет нилометрни тузатиш масаласини батафсил ўрганиб чиққан. Равда оролида жойлашган бу жиҳоз Нил дарёси суви билан махсус қувурлар орқали боғланган тош кудук кўринишидаги иншоотдир. Кудук марказида тош устун жойлаштирилган бўлиб, унга сув сатҳини аниқловчи махсус белгилар ишланган. Нилнинг суви юқоридаги қувурлар орқали уч қисмдан иборат кудукқа оқиб тушади ва унинг марказидаги устун воситасида ўлчанади. Нил дарёси бўйида қурилган бу қадимги гидротехника иншооти Миср қишлоқ хўжалиги учун ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, уни Аҳмад ал- Фарғоний тарафидан ислоҳ этилиши, олимнинг иқтидорли муҳандис ҳам эканлигига ёрқин далилдир.

Жаъфария шаҳридаги канал қурилиши ишларида ал-Фарғонийнинг иштироки ҳақида Ибн Усайбиъа шундай ёзади: «Халифа Мутаваккал ал-Фарғоний давридаги танилган олимлар ака-ука Муҳаммад ва Аҳмад Бану Мусоларга ўз номи билан аталган янги «Жаъфария» шаҳрини сув билан таъминлаш мақсадида, у ерда канал қазилар ишларини топширади. Муҳаммад

ва Аҳмад Бану Мусолар эса бу вазифани «Мисрда янги ўлчаш иншооти» (яъни нилометр)ни ислоҳ қилган Аҳмад ал- Фарғонийга юклайдилар. Аммо, бахтга қарши, ал-Фарғоний вазифани бажаришда эҳтиётсизликка йўл қўйиб, каналнинг бошланиш қисмини, унинг бошқа қисмларига қараганда чуқурроқ қилиб қуради. Натижада каналнинг бошидаги сув унинг ортига тўла етиб бормайди. Воқеа тафсилотларидан хабар топган ал-Мутаваккил, агар канал қурилишидаги камчиликлар тасдиқланса, ҳар икки ака-укани қатл этишини маълум қилади. У масалани текшириб кўриш учун Боғдоддаги йирик олим Санад ибн Алини чақиртиради. Санад ибн Али ака-ука Бану Мусолар билан келишган ҳолда, канал қурилишида ҳеч қандай камчиликка йўл қўйилмаганини тасдиқлайди ва агар бу лойиҳада бирор хато бўлса, у орадан тўрт ой ўтиб, канал суви пасайганидан сўнг зоҳир бўлиши мумкин, деган хулосани тайёрлайди». Ал-Фарғоний ва нилометр масаласи хусусида сўз юритган Ибн Тоғрибердиннинг ёзишича, халифа ал-Мутаваккил 861 йили Фустот (қадимги Қоҳира)да «янги нилометр»ни қуради. Бу лойиҳани амалга ошириш учун у Эрондан муҳандис Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийни чақиртиради.

Абул-Фараж Бар Эбрей (1226-1286) ҳам ал-Фарғонийнинг халифа ал-Маъмун давридаги машҳур астрономлардан бири эканини эътироф этади ва «Астрономия илми асослари» номли рисола унинг каламига мансублигини қайд этади.

Ўрта асрнинг машҳур библиографларидан Ибн Халликан (1211 - 1282) Равда оролидаги нилометр ҳақида сўз юритар экан, унинг муҳандисини Аҳмад ибн Муҳаммад «ал-Қарсоний» деб нотўғри келтиради. Албатта, муаллифнинг йўл қўйган хатосини осонлик билан англаш мумкин, чунки «ал-Фарғоний ва ал-Қарсаний» сўзлари араб ёзувида бир-бирига жуда ўхшаб кетади.

П.Г.Булгаковнинг фикрига кўра, Аҳмад ал-Фарғоний 865 йили вафот этган.

Фаробий (873-950)

Абу Наср Форобий нафақат Марказий Осиё ва Шарқнинг, балки бутун дунёнинг асрлар оша эътироф этилиб, бениҳоя катта ҳурматга сазовар бўлиб келаётган буюк мутафаккири, қомусий олими, машҳур файласуфидир.

Арастудан кейин фалсафа оламида, хусусан, Шарқда унга тенг келадиган аллома чиқмаганлигидан Форобийга «Иккинчи муаллим» куняси берилганлиги ҳам унинг тафаккури қанчалик кенг бўлганлигини асослайди.

Форобий ўзининг сермахсул илмий ижодида ўз давридаги маълум фанларнинг деярли барчасига оид асарлар яратиб, уларда фундаментал тадқиқотлар ва натижаларга эришди, фалсафанинг барча соҳалари билан шуғулланди. Форобий дунёқарашининг якунловчи қисми, сўнгги мақсади - инсон жамоаси, инсоннинг ижтимоий моҳияти, унинг кутган орзу-умидлари, исоний муносабатлар, умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришилган фуқаролар жамиятини қуриш масалаларидир, деб кўрсатади М. Хайруллаев¹.

Форобий асарларининг кўп қисми таълим, фалсафа, билимларни ўзлаштиришнинг физиологик ва психологик асосларини назарий ўрганишга қаратилган. Унинг фикрича, сезги органлари юрак, миёна инсон туғилган вақтда мавжуд бўлади, бошқа ҳамма нарсалар ақлий ва ахлоқий хусусиятлар, характер хислатлари, билим инсоннинг ўз фаолияти мобайнида ҳосил бўлади. Форобийнинг яна бир буюк хизмати шундаки, у инсонларга бахтли, тўғри яшашни уқтиради, билимларни эгаллашга ундайди.

Форобий ижтимоий ҳаёт, жамият ва унинг тараққиёти масалаларида ҳам, жамият тараққиётида қадриятларнинг ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилди, чуқур фалсафий масалаларни ўртага ташлади. У ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У мазкур нарсаларни бир ўзи қўлга кирита олмайди, балки бу жараёнда ўзига ўхшаган кишиларнинг, яъни жамиятнинг ёрдамига муҳтож бўлади. Бу ишда

¹ Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.: 1971. 246-бет.

етук жамият, идеал давлат ҳақидаги фикрларни ривожлантириб, аллома инсон ва инсоният тараққиётида жамият аъзоларининг биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари лозимлигини уқтиради. Идеал жамият аъзолари эса нафақат миллий, балки умумбашарий қадриятларнинг ҳам ўрнини тўғри тушуниши, ёшларга таълим ва тарбия бериш, жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятлар муштаракпигига эришиш кераклигини кўрсатади.

Форобий инсонларни ўзаро ҳамкорликка чакиради, дунёда ягона бир бутун инсон жамоаси тузиш ҳақида орзу қилади. Албатта, бу жамоада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига эришилган, уларнинг интеграциялашуви интенсивлашган бўлади, дейди аллома. «Бахт-саодатга эришув ҳақида» рисоласида Форобий давлатни ҳар томонлама етук, ўзида энг яхши инсоний фазилатларни намоён қилган кишилар ёрдамида бошқариш зарурлигини қайд этади. Шунингдек, у ҳар томонлама етук аҳолини илм ва маърифатга олиб боровчи идеал жамият ҳақида фикрни олға суради. «Фозил одамлар шаҳри» асарида у давлатни бошқараётган шахс, ҳоким Оллоҳдан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслиги кераклигини уқтириб, давлат бошлиғи эга бўлиши керак бўлган ўн икки фазилат ҳақида қимматли фикрлар билдирган.

Аллома таъкидлаганидек, давлатни бошқараётган киши аввало, соғлом бўлиши, ўзига юкланган вазифаларни бажаришда бирор нуқсон ҳалал бермаслиги лозим. Иккинчидан, шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, илғаб олиши зарур. У англаган, кўрган, эшитган, идрок қилган нарсаларини хотирасида тўлиқ сақлаб қолиши керак, яъни хотираси ўта кучли кишигина шаҳарга ҳоким бўлиши мумкин. Ундай киши, юқоридагилардан ташқари, билим, маърифатга ҳавасли, ўқиш-ўрганишдан асло чарчамайдиган, таом ейишда, ичкиликда ўзини тия биладиган, ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёмонлардан жирканадиган бўлиши лозим. У ўз қадрини билувчи, номус ва ориятли, улуғ, олий ишларга интиладиган, мол-дунё кетидан қувмайдиган, табиатан адолатларвар, жабрланганларга мадад берадиган

бўлиб, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда катъият, сабот, журъат ва жасоратлик кўрсатиши, қўрқоқликка йўл қўймаслиги зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларнинг буюк мутафаккири, улуғ ватандошимиз Абу Наср Форобий ўзининг сермухсул ижодида барча соҳаларда қилган ижодида алоҳида эътибор билан жамиятни ўрганди. У инсон ва инсоният бахтли яшаши учун юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши, шунингдек, миллий ва умуминсоний қадриятларга амал қилиб яшаши лозимлигини асослаб берди, инсон, унинг ҳаёти энг олий қадрият эканлигини, унинг манфаатларини ёқлаш ҳар қандай жамиятнинг энг биринчи вазифаси эканлигини кўрсатди. Президентимиз И.Каримов ҳақли таъкидлаганидек, «Миллий тараққиётимизнинг тақдири олий қадрият саналган инсон, унинг эркинликлари, ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари таъминланганлигига, мустақил фикрлаши, ақлий заковат билан руҳий-маънавий салоҳиятни ўзида уйғунлаштира олишига кўп жихатдан боғлиқдир».

II-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

2.1. Маъмун академиясидаги олимлар.

Ўрта аср Шарқ халқлари фани ва маданияти тарихида Боғдодда бунёд этилган «Байт ул-ҳикма» сўзсиз, йирик илмий воқеа саналади.

«Байт ул-ҳикма» ўзбек тилида «Ҳикматлар уйи» деган мазмунни англатади. Бу иборадаги «ҳикматлар» ортида ўша даврдаги қатор фанлар, жумладан, фалсафа, табобат, фалаккиёт, риёзиёт, адабиёт, диний илмлар тушунилади. Бинобарин, «Байт ул-ҳикма» биринчи навбатда, ушбу санаб ўтилган фанлар қолаверса, бошқа фан йўналишларида ҳам иш олиб борилган илм ва таржималар даргоҳи бўлган.

Моҳиятан аввалда кутубхона сифатида бунёд бўлган «Байт ул-ҳикма» кўп вақт ўтмай, у ерда жамланган китобларни араб тилига таржима қилиш марказига айланди. Кейинчалик эса, бу марказ теварагида ўз даврининг энг йирик олим ва таржимонлари тўпланиб, ижод қилдилар. Таъкидлаш жоизки, уларнинг ўзагини Мовароуннаҳр ва Хуросон олимлари ташкил этди. Айни пайтда бу масканда бир томондан, юнон, ҳинд ва форс тилларидаги кўплаб нодир асарларнинг жамланганлиги, иккинчи томондан жамланган китобларнинг энг ноёблари танлаб олиниб, араб тилига ўгирилгани ҳамда муомалага киритилиши, учинчи тарафдан эса, муҳим асарларни яратган таниқли олимларнинг «Байт ул-ҳикма»да тўплангани, уни ўрта асрларнинг энг машҳур илмий даргоҳига айланиши ва илмий адабиётларда «Боғдод илмий мактаби» ва «Боғдод академияси» деган номлар билан танилишига асос бўлди.

«Байт ул-ҳикма» таъсис этилган йил ҳақидаги маълумотлар ҳозирга қадар маълум эмас. У Боғдоднинг қайси нуқтасида жойлашгани борасида ҳам аниқ бир хулосага келиш қийин. Аммо у халифа саройининг бирор-бир қисмида жойлашган бўлиши керак, деб тахмин қилиш мумкин. Бундан ташқари, «Байт ул-ҳикма»нинг ташкил топиши баъзан фақат халифа ал-

Маъмун исми билан ҳам боғлаб кўрсатиладики, бу ҳақиқатдан анча йироқдир.

Тарихдан маълумки, 749 йилда Абу-л-Аббос Саффаҳ (749-754) халифа Марвон II ни тахтдан ағдаргач, халифаликни бошқариш аббосийлар сулоласи кўлига ўтади.

Боғдод тез орада шарқда Марказий Осиёгача, ғарбда Испанияга қадар кенгайган йирик давлатнинг пойтахтига айланди. Араблар, одатда, ўзлари босиб олган мамлакатларнинг бойликларини ўз манфаатлари йўлида ишлатиш учун барча имкониятларни ишга солар эдилар. Шу боисдан бу мамлакатларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойликлари аста-секин Боғдодга оқиб кела бошлади. Айниқса, ал-Мансур, Ҳорун ар-Рашид, ал-Маъмун каби Аббосий халифалар қадимий қўлёзма асарлар ва йирик олимларни ўз саройларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда, бу борада мислсиз жонбозлик ҳам кўрсатдилар. Натижада Боғдод тез орада бутун халифаликда илмий фаолият юритиш учун катта имкониятларга эга бўлган қулай шаҳарга айланди. Бу эса ўз навбатида, олимларнинг ўша ерда ижод қилиш иштиёқини ошириб юборди.

Саройда қўлёзма асарларни сақлаш одати умавийлар сулоласи даврида ҳам мавжуд бўлса-да, бу иш аббосий халифалардан ал-Мансур даврида доимий жараёнга айланди, сифат ва миқдор жиҳати ҳам тубдан ўзгарди. Ал-Мансур нодир қўлёзма асарларни тўплашдан ташқари, ўзга юртлардаги олимларни ҳам ўз саройига жалб эта бошлади. Унинг саройида Гундишопур мактабидан таклиф этилган турли диний эътиқодда бўлган кўпгина олимлар, табиблар, кимёгарлар, географлар ва муҳандислар хизмат қилган. Улар орасида Боғдод шаҳрининг қурилишида иштирок этган астрологлар - эронлик ан-Навбахт (ваф. 777 й.) ва басралик яҳудий Менассиялар (ваф. тах. 815 й.) ҳам бор эди. Мусулмонлар орасида «Машаллах» номи билан танилган Менассия, ал-Мансур, Ҳорун ар-Рашид, ал-Амин ва ал-Маъмунлар даврида энг машҳур астрологлардан бири эди.

Ал-Мансур саройида Гундишопур мактабидан Боғдодга таклиф этилган катор табиблар ҳам фаолият кўрсатган. Улар ичида Бахтйашу оиласига мансуб бир қанча христиан табиблари бўлиб, уларнинг энг йирик намояндаси бўлмиш Жибрил ибн Бахтйашу, халифа ал-Мансур учун табобатга оид кўпгина асарларни юнон тилидан араб тилига таржима қилади. Жибрил ибн Бахтйашунинг ўзи ва бу оиланинг ўндан ортиқ бошқа табиблари Боғдод шаҳрида узоқ йиллар давомида табиблик фаолияти билан машғул бўлганлар.

Ҳарронлик йирик кимёгар ва таржимон Жобир ибн Ҳайём ҳам халифа ал-Мансур даврида яшаган. Иброҳим ал-Фазарий халифа ал-Мансурнинг топшириғига биноан, хиндларнинг астрономияга оид йирик қомусий асари «Синдҳинд»ни санскрит тилидан араб тилига таржима қилади.

Юқорида зикр этилган асарлардан ташқари, ал-Мансур учун фалсафа, табобат, фалаккиёт, риёзиёт, тарих, адабиётга оид бошқа китоблар ҳам таржима қилинган. Халифа ал-Мансур мазкур китоблар, ёзилган ноёб кўлёзма асарларни сақлаш учун ўз саройидан махсус жой ажратган. Шу тариқа «Байт ул-ҳикма»нинг яратилишига асос бўлган сарой кутубхонаси пайдо бўлди.

Аммо бу кутубхонанинг вазифаси китобхонларни зарурий адабиётлар билан таъминлаш эмас, балки тўпланган нодир кўлёзма асарлар, турли мамлакатлардан келтирилиб, араб тилига ўтирилган китобларни сақлашдан иборат бўлган. Ал-Мансур даврида бу маскан ҳали «Байт ул-ҳикма» деб номланмаган эди.

Маълумки, ал-Мансурнинг ўғли Муҳаммад ал-Маҳдий ибн Мансур (775-785) ва набираси ал-Ҳодий ибн ал-Маҳдийлар (785-786) ҳукмронлик қилган йилларда илмий изланишлар ва таржима фаолиятида катта силжишлар юз берди, деб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам улар даврида «Байт ул-ҳикма» билан боғлиқ бўлган сезиларли ўзгаришлар рўй бермаган, дейиш мумкин.

Аббосий халифалар ичида энг донг таратгани Ҳорун ар-Рашид (786-809) тахтга ўтирганидан сўнг, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида

катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу, албатта, «Байт ул-ҳикма»га ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Ўрта аср манбаларидаги баъзи маълумотлар «Байт ул-ҳикма» Ҳорун ар-Рашид даврида таъсис этилган, деган хулосага келишга асос бўлади. Жумладан, Ибн ан-Надим ўзининг «ал-Фихрист» китобида вазир Саҳл ибн Ҳорун, астролог Абу Саҳл ал-Фадл ибн Навбахт ва нусха кўчирувчи Аълон аш-Шуъувбийлар ҳақида сўз юритар экан, уларни Ҳорун ар-Рашиднинг «Байт ул-ҳикма»сида фаолият кўрсатган, деб маълумот беради. Бундан, «Байт ул-ҳикма» Ҳорун ар-Рашид даврида мавжуд эди, деган мантикий хулоса пайдо бўлади. Эҳтимол, Ҳорун ар-Рашид ўз саройида жамланган катта микдордаги китоблар, таржимонлар ва уламолар учун алоҳида жой ажратиб, унга «Байт ул-ҳикма» номини берган бўлиши мумкин. Шунинг ҳам айтиш керакки, «ал-Фихрист» муаллифи бу марказни баъзан «Байт ул-ҳикма», баъзан эса «Ҳизанат ал-ҳикма» ибораси билан атайд.

Айни пайтда ўрта асрларнинг яна бир машҳур муаллифларидан Ёқут ал-Ҳамавий ҳам Ибн ан-Надимнинг фикрини тасдиқлайди.

Умуман, Ҳорун ар-Рашид даврида «Байт ул-ҳикма» турли адабиётлар сақланадиган маскандан таржима ва тадқиқотлар олиб бориладиган марказга айланди. У ерга келган таниқли уламолар, тадқиқотчилар нафақат турли мавзулардаги китоблар билан танишиш, балки уларни мутолаа қилиш имкониятига ҳам эга эдилар. Бу даврда таржима ишларига бўлган аҳамият бағоят ортиб, «Байт ул-ҳикма»даги асарлар сони янада кўпайди.

Ибн ал-Қифтийнинг бу марказ ҳақидаги фикрлари ҳам ниҳоятда диққатга сазовор. У шундай деб ёзади: «Ҳақиқатан, «Байт ул-ҳикма» турли илмий йўналишлар маркази бўлиб, Ҳорун ар-Рашид бу институт ҳақидаги фикрнинг ибтидоси эди. Унинг ўғли халифа ал-Маъмун бу ишни амалга оширди. «Ҳикмат» сўзи мусулмон олимларининг фикрига кўра илоҳий илмлар, ҳисоб, табобат ва фалаккиётни қамраб олган». Фикримизча, Ибн ал-Қифтий санаб ўтган илмлар қаторига фалсафа ҳам киритилса, Боғдод илмий мактабидан ўрин олган асосий фанлар мажмуаси тўлиқ ифодаланади.

Ҳорун ар-Рашиднинг кичик ўғли ал-Амин (809-813) даврида «Байт ул-ҳикма»нинг фаолияти бирмунча сусайган бўлса, унинг катта ўғли ал-Маъмун даврида ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Биз ал-Маъмунни - катта, ал-Аминни эса кичик ўғил деб шартли атаймиз, аслида уларнинг ҳар иккиси ҳам бир вақтда, яъни 786 йилда икки онадан дунёга келган. Ал-Маъмун ал-Аминдан олти ойга катта бўлишига қарамай, халифалик курсисига аввал ал-Амин ўтирган. «Байт ул-ҳикма»нинг тақдирида ал-Маъмуннинг ўрни бағоят юксак бўлгани туфайли, биз унинг илмий ва сиёсий фаолияти, шунинг баробарида, ҳар икки ака-ука муносабатлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ал-Маъмун «Байт ул-ҳикма»га алоҳида эътибор билан қаради. Натижада унинг даврида (813-833) «Байт ул-ҳикма»даги илмий муҳит мисли кўрилмаган даражада ривожланиб, у ерда юнон, форс ва ҳинд тилларидаги муҳим китобларни араб тилига ўгириш, шарҳлаш билан бир қаторда, мустақил илмий фаолият ҳам олиб борилиб, янги асарлар ёзилди. Ал-Маъмун диний илмлар, фалсафа, аниқ фанлар билан қизиққан ва ўзи ҳам улар билан мунтазам шуғулланган. Шунингдек, у таржимонлар ва олимларга ҳар бир ёзган ёхуд таржима қилган китоблари учун катта мукофотлар тайинлаган. Ал-Маъмуннинг бевосита ҳомийлиги остида Юнонистон, Ҳиндистон, Рим, Эрон ва Марвдан «Байт ул-ҳикма»га катта миқдорда турли мавзудаги китоблар келиб тушган. Уларнинг баъзилари эса ҳарбий юришлардаги ўлжа сифатида Боғдодга олиб келинган.

Ал-Маъмуннинг қўллаб-қувватлаши билан энг сара асарлар танлаб олиниб, араб тилига ўгирилди. Умуман, бу даврда таржимонлик ишлари тўғри йўлга қўйилиб, у яхши ташкил этилган доимий фаолиятга айланди. Таржимонлар алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлиниб ишлаганлар; ҳар бир гуруҳни албатта малакали, моҳир таржимон бошқарган ва сўнгги таҳрир учун ушбу шахс масъул бўлган. Таржималар, одатда, юнон тилидан сурёний тилига, сўнггра араб тилига, баъзан эса юнон тилидан тўғридан-тўғри араб тилига ўгирилган. Аксарият ҳолларда, таржималар китоб матнларининг асли

билан таққослаб амалга оширилган. Ҳар бир таржимонлар гуруҳи таркибида матн кўчирувчи ва китобларни муқоваловчи мутахассислар бўлган. Бинобарин, ал-Маъмун даврига келиб, «Байт ул-ҳикма» таркибида йирик кутубхона, таржима ва асарлар ёзиш, кўчирувчилар ҳамда муқовалаш учун ажратилган махсус хоналар мавжуд эди. Боғдоднинг аш-Шаммосия минтақаси ҳамда Дамашқ атрофидаги Қасиюн тоғларида мавжуд бўлган расадхоналар ҳам «Байт ул-ҳикма» таркибига кирган. Манбаларда ал-Маъмун тасарруфидаги бу икки машҳур расадхонанинг «Байт ул-ҳикма» таркибида бўлганини англатувчи тўғридан-тўғри маълумотлар учрамайди. Зеро тарихдан маълумки, ал-Маъмун ўз саройига тўплаган аксарият астрономлар, жумладан, Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад ал-Марвазий, Яхё ибн Абу Мансур, Холид ал-Марваррудий, ал-Аббос ал-Жавҳарий ва бошқалар мазкур расадхоналарда кузатув ишларини олиб борганлар. Модомики шундай экан, фикримизча, бу икки расадхонани ҳам «Байт ул-ҳикма» таркибига киритиш мумкин.

Юқорида баён этилган маълумотлар асосида «Байт ул-ҳикма»нинг таъсис этилиши ҳақида қуйидагича хулосага келиш мумкин: Боғдод халифалари саройининг маълум қисмини эгаллаган «Байт ул-ҳикма»нинг асоси - халифа ал-Мансур даврида яратилди, Ҳорун ар-Рашиднинг ҳомийлиги остида, у анча кенгайтирилди, ривожлантирилди, ўзининг тарихий «Байт ул-ҳикма» номи билан юритила бошлади. Ал-Маъмун эса у ерда машҳур алломаларни тўплаб, уларга ҳар тарафлама кўмак берди, унинг энг юқори тараққиёт даражасига кўтарилишини ва ўша давр учун ўзига хос илмий мактабга айланишини таъминлади.

«Байт ул-ҳикма»нинг таркиби ва вазифалари

Ўрта аср манбаларида «Байт ул-ҳикма»нинг таркиби қуйидаги қисмлар ва олиму таржимонлардан иборат эди, деб яққол кўрсатувчи маълумотлар учрамайди. Лекин манбалардаги у ёки бу муносабат билан келтирилган фикр ва мулоҳазалар, бу марказнинг таркиби ҳақида бирмунча таҳлилий тасаввурларни тиклаш имконини беради.

«Байт ул-ҳикма»да олиб борилган иш жараёнини ўрганиш, бу марказнинг қандай вазифалар бажарганини аниқлаш имконини беради. Биз куйида «Байт ул-ҳикма»нинг асосий вазифалари устида фикр юритамиз.

«Байт ул-ҳикма», юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, дастлаб **кутубхона** сифатида вужудга келади. Бу эса, «Байт ул-ҳикма» таъсис этилган илк даврларда унинг асосий вазифаси қўшни давлатлардан келтирилган қадимги юнон, форс ва ҳинд тилларидаги турли асарларни сақлаш, жамлаш ва уларни кўпайтиришдан иборат бўлганини кўрсатади. Китоблар Боғдодда жамланганидан сўнг, табиийки, уларнинг мазмунини билиш ва тушунишга эҳтиёж туғилади. Бу эса, келтирилган китобларни араб тилига ўгиришни тақозо этарди. Шу тариқа «Байт ул-ҳикма»даги энг долзарб масала - хорижий тиллардаги китобларни араб тилига ўгириш ва уларда кўрсатилган натижаларни тажрибалар орқали қайтадан текшириб чиқиш эди. Табиийки, бунинг учун турли тилларни биладиган, юқори малакали таржимонлар гуруҳи керак бўларди. Шу боис Боғдод ҳокимлари турли мамлакатлардан араб ва бошқа қадимий тилларни биладиган мутахассисларни «Байт ул-ҳикма»га таклиф эта бошладилар ва уларга таржима ишлари учун катта маош тайинладилар.

«Байт ул-ҳикма»даги дастлабки таржимонларнинг аксари қўшни мамлакатлардан таклиф этилган насроний, мажусий, яҳудий, ҳинд ва мусулмонлар бўлган. Уларнинг кўпчилиги нафақат оддий таржимон, балки ўз соҳасининг етук билимдонлари ва олимлари эди. Бу олимлар «Байт ул-ҳикма»да таржима ва шарҳлаш ишларидан ташқари, ўзларининг нодир асарларини ёзиш баробарида илмий изланишлар ҳам олиб борганлар. Шу тариқа «Байт ул-ҳикма» таржимонлар, файласуфлар, математиклар, астрономлар, табиблар, шоирлар каби турли тоифадаги олимларнинг тез-тез учрашиб, илмий мунозаралар олиб борадиган, бир-бирлари билан маслаҳатлашадиган масканга айланди. Бу билан унинг илк ташкил этилган вақтдаги қўлёзмаларни сақлаш ва таржима қилиш вазифаси кенгайиб, улар доирасига илмий-амалий тажрибалар олиб бориш ҳамда шу тажриба

натижаларига асосланган фундаментал асарларни ёзиш масъулияти ҳам кўшилди.

Баъзи адабиётларда «Байт ул-ҳикма»да талабаларга дарслар ўтилгани ва унинг қошида шифохоналар ҳам бўлгани ҳақида сўз юритилади. Дарслар ташкил этилганига оид фикрларни тасдиқловчи аниқ далилларга эга бўлмасак-да, бироқ ўша даврда шифокорлик фаолияти билан шуғулланган энг машҳур табибларнинг Ҳорун ар-Рашид ва ал-Маъмун тасарруфида фаолият юритгани манбаларда қайд этилади.

Маълумки, ал-Маъмун даврида катта муваффақиятларга эришган фанлардан бири бу - фалаккиёт эди. «Байт ул-ҳикма»даги астрономлар қадимги юнон олимлари асарларида таърифланган натижаларни, қайтадан ўзларининг тажрибалари асосида текшириб чиқдилар. Жумладан, Батламйуснинг «Ал-мажистий» китобида келтирилган кўпгина тажрибалар, мусулмон астрономлари томонидан яна бир қарра синовдан ўтказилди ва эришилган натижалар «ал-Маъмуннинг синалган жадвали» номли машҳур асарда баён этилди.

Юқорида биз баён қилган маълумотлар шуни кўрсатадики, «Байт ул-ҳикма» тез орада турли фанлар бўйича илмий мунозаралар, тадқиқотлар, амалий тажрибалар олиб бориладиган ҳамда нодир асарлар битилган, шунинг баробарида, астрономик тажрибалар ва шифокорлик билан шуғулланишни кенг кўламда амалга оширган илмий даргоҳга айланди.

«Байт ул-ҳикма»нинг алломалар ва тадқиқотчилар учун яратиб берган қулай шарт-шароитлари, у ердаги илм сарчашмасидан кўпчиликни баҳраманд этиши, айниқса, антик даврга оид ноёб илмий меросни сақлаб қолиб, уни қайтадан тиклаб, дунёнинг турли бурчакларида илм йўлида маёқ бўлиб келаётган алломаларга етказиш - марказнинг **асосий вазифаларидан** бири эди.

Ал-Маъмун алломаларни ўз саройига тўплаб, улар билан турли илмий мавзуларда мунозаралар олиб боришнинг шайдоси бўлган. Мунозараларда ўша даврнинг кўзга кўринган донишмандлари иштирок этганлар. Мазкур

алломалар дунёнинг турли бурчакларидан таклиф этилган бўлиб, улар орасида мусулмонлар билан бирга насронийлар, яхудийлар ва бошқа диний эътиқод вакиллари ҳам бор эди. Такдир тақазоси билан халифа саройида тўпланган турли миллат ва маданият вакиллари ўзаро тажриба алмашдилар, бир-бирларидан илм ўргандилар. Натижада ўша давр фани ва маданиятида йирик кашфиётлар дунё юзини кўрди ва келажакдаги юксалиш учун замин ҳозирланди.

Ал-Маъмун саройида хизмат қилган Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Анмотийнинг хабар беришича, Марвдан Боғдодга кўчиб келган халифа ўз саройига Боғдоддаги олимлар, фикҳлар ва мутакаллимларнинг катта гуруҳини таклиф этади. Бу ердаги илмий мунозаралардан кейин аввалига юзга яқин, кейинроқ эса, яна бир қанча фикҳ ва донишмандларни танлаб олади.

Илмий адабиётларда Аббосийлар ҳукмронлиги давридаги таржима ишлари уч йирик даврга тақсимланади:

Биринчи давр - халифа Абу Жаъфар ал-Мансур давридан бошланиб, Ҳорун ар-Рашиднинг вафотигача бўлган 754-809 йилларни ўз ичига олади. Бу даврнинг энг машҳур таржимонлари қаторига Батламйуснинг «Ал-мажистий» асарини ал-Мансур учун таржима қилган Юҳанна ибн ал-Батрик, санскрит тилидаги «Синдҳинд»нинг таржимони Муҳаммад ал-Фазарий, «Калила ва Димна» ҳамда Арастунинг мантиққа оид асарларини араб тилига ўгирган Абдуллоҳ ибн ал-Мукаффаъ, насроний табиблар ва тиббий асарларнинг моҳир таржимонлари Журжис ибн Жибрил ва Юқанна ибн Мосавайх, ҳиндистонлик табиб ва астроном Манка, Бармакийлар тасарруфидаги шифохона мудир Ибн Дихна, Саллом ал-Аъраш ва Босил ал-Митранларни киритиш мумкин.

Иккинчи давр - ал-Маъмуннинг Марвда халифалик курсисини эгаллаган 813 йилдан бошлаб то 913 йилгача давом этади. Бу йиллар нафақат таржима фаолиятининг, балки илм-фан ривожининг «олтин даври» деб юритилади. Бу даврдаги таржима соҳасининг асосий намоёндалари ал-

Ҳажжож ибн Матар, Қуста ибн Лука ал-Баъалбаккий, Абд ал-Масих ибн Наъима ал-Ҳимисий, Ҳунайн ибн Исҳоқ ва унинг ўғли Исҳоқ ибн Ҳунайн, Собит ибн Қурра, Ҳунайн ибн Исҳоқнинг жияни Ҳабаш ал-Аъсам номи билан танилган Ҳубайш ибн ал-Ҳасанлар бўлган. Улар ўша даврдаги бошқа олимлар каби Буқрот, Жолиювнус, Арастуларнинг асарларини таржима қилганлар, уларга шарҳ ва изоҳлар ёзганлар.

Учинчи давр – 915 -1050 йилларни (XI асрнинг II ярмини) қамраб олиб, Абу Бишр Матта ибн Юнус, Собит ибн Қурранинг ўғли Синон ибн Собит, Яҳё ибн Адий, Абу Али ибн Зуръа, Ҳилал ибн Ҳилал ал-Ҳимсий каби таржимонлар Арастунинг мантиқ ва табиий фанларга оид асарларини таржима қилгани билан белгиланади. Таржима фаолиятининг бу уч даври Аҳмад Фарид Рифаъийнинг «ал-Маъмун асри» номли китобида келтирилган. Бунинг натижасида юнон, форс, ҳинд ва бошқа халқларнинг ноёб илмий мероси араб тилига ўгирилди ва мусулмон маданиятининг ажралмас бўлагига айланди.

2.2. Хоразмшоҳ Маъмун академиясидаги олимлар.

Шарқда вужудга келган илк академиялардан бири маъмуний хоразмшоҳлар даврида ташкил топган Маъмун академиясидир. 995 йили Маъмун I ибн Муҳаммад ибн Ироқ африғийлар сулоласига барҳам бериб пойтахтни Гурганч деб, ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилади. 998 йили тахтга ўтирган Али ибн Маъмун даврида мамлакатда сиёсий аҳвол барқарорлашади, иқтисодиёт, илм-фан, маданият ривожлана бошлайди. Али ибн Маъмун илмларвар шоҳ бўлганлиги сабабли ўз саройига шарқнинг машҳур олиму фозилларини чорлайди. 1009 йили Алининг акаси Абул Аббос Маъмун II Маъмун тахтга ўтиргач, фан ва маданият янада гуркираб ривожланади. Маъмун II саройда «Мажлиси уламо» («Олимлар Кенгаши») таъсис этади ва илмий-ижодий фаолият учун шарт-шароит яратиш мақсадида махсус «Олимлар уйи» ("Байтул ҳукамо") қурдиради. Бу бино харобалари ҳозирги кунда маҳаллий халқ тилида "Қирқ мулла" ёдгорлиги номи билан машҳур. Маъмун ибн Маъмун Абу Райҳон Берунийни ҳам давлат маслаҳатчиси, ҳам «Мажлиси уламо»га раис қилиб тайинлайди. Шоҳ ва олим ўртасидаги самимий муносабат шу даврда фан ва маданиятнинг гуллаб яшнашига, қизғин иждодий баҳсларга, толерант онгнинг шаклланишига сабабчи бўлди. Турли мамлакатлардан Гурганчга келган турли эътиқоддаги олимларнинг иждодий уюшмаси Маъмун академияси номи билан тарихга кирди.

712 йилда Хоразм араблар томонидан босиб олинган, халифатга бўйсундирилди. Араблар ўзлари билан янги дин исломни олиб келдилар, босиб олинган халқлар орасида турли. йўллар билан бу динни тарқата бошладилар. Албатта, бу жараён осон кечмади. Чунки, бадавий араблар босиб олган ўлкаларда ўзларига нисбатан бир неча баробар юксак маданиятга, илм-фан ва Илмий меросга дуч келган эдилар. Хоразмни "исломлаштириш" зиддиятли ва мураккаб тарзда юз берди. Ислом орқали бу ерларда араб тили ва араб ёзуви ҳам тарқатилди. Қадимги ёзувлар: хоразм, суғд, турк ёзувлари йўқотилиб, уларнинг ҳимоячилари жазоланди. VIII

асрнинг 2-ярмидан бошлаб ислом ичида шиалар, хорижийлар, мутаъзийлар, жабарийлар каби турли оқимлар вужудга келиб, назарий масалаларда баҳслар авжига чиқди. Ислом замирида бошқа таълимотлар таъсирида тасаввуф шаклланди ва мусулмон Шарқиға тарқалди.

IX асрнинг охирига келиб Марказий Осиё мустақилликка эришди ва бу ерда араблар таъсиридан қутулган биринчи давлат - сомонийлар ҳукмронлиги шаклланди. Сўнг бу ҳудудда Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар давлатлари фаоллик кўрсатди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Гурганч, Хива каби шаҳарлар ўз даврининг маданият марказлари сифатида маълум бўлди. Бу шаҳарларда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳамда маданий алоқалар, илмий марказлар ривож топди.

Сомонийлар ҳукмронлиги даврида Хоразмда камол топиб, фан ва маданиятнинг ривожига улкан улуш қўшган олимлар алоҳида эътиборга сазовордир. Улар қаторида математик Абул Хасан Азархурий ибн Устоз Жашназ ва қомусий илм эгаси Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийларнинг хизмати бекиёсдир. Аллома ўрта асрда илмларни таъсиф қилиб, "Мафотиҳ ал-улум" ("Илмлар калити") асарида фалсафа фани ҳақида шундай ёзади: "Фалсафанинг маъноси - нарсаларнинг ҳақиқийлиги илми ва энг салоҳиятли иш учун амалий ҳаракат демакдир".

X аср охири ва XI аср бошларида Маъмуний хоразмшоҳлар даврида Хоразм илм-фан, адабиёт ва маданиятда юксалиш даврини бошдан кечирганининг гувоҳи бўламиз. Бу юксалишнинг устувор йўналишлари асосан, табиий ва дунёвий фанлар ривожига яққол акс этади. Шу даврда етишиб чиққан дунёвий илмларнинг йирик намояндалари бўлмиш Абу Наср Ироқ, Абул Хайр ибн Хаммор, Абул Ҳаким Муҳаммад ибн Абдумалик ас-Солиҳ ал-Хоразмий ал-Косий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби улуғ мутафаккирларнинг илм-фан соҳасида қўлга киритган улкан ютуқлари жаҳон илм аҳли томонидан аллақачон тан олинган. Айниқса, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино ўрта асрлар фанининг икки буюк даҳосидир. Ибн Сино тиббиёт илмида машҳур бўлса, Беруний "тажрибавий илмнинг

отасидир" - (Г.Сартон). Аллома Кўхна Урганчда "Мажлиси уламо" ("Олимлар кенгаши") ташкил этиб, унга раҳбарлик қилди, фаннинг ташкилотчиси ва тарғиботчиси сифатида танилди (1004-1017 йиллар). Бу илмий жамоа "Маъмун Академияси" номи билан тарихга кирди. Шарқнинг илмий-маданий юксалишига хизмат қилди.

Маълумки, шарқда илк академиялардан бири бўлган Маъмун академияси ўз даврида (1004-1017 йй.) минтақада фан ва маданиятнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Бу илм маскани - "Мажлиси уламо"да замонасининг уч юздан ортиқ машҳур олимлари тўпланиб Абу Райҳон Беруний раҳбарлигида фаолият олиб бордилар. Шулардан 32 алломанинг номи бизга маълум.

Маъмун академиясининг илмий ва маданий юксалишдаги роли шундан иборатки, биринчидан, шоҳ Маъмун ибн Маъмун фармони билан академияга хос бўлган фундаментал тадқиқотлар чуқур ва атрофлича олиб борилди. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилди, давлат томонидан маблағ билан таъминланди. Иккинчидан, дунёвий илмлар, хусусан математика, астрономия, химия, геодезия, минерология, тиббиёт, доришунослик каби фанлар юксак босқичга кўтарилди. Табиий фанларда эришилган ютуқлар ҳозирги замон фани кўрсаткичларига яқинлиги ҳайратланарлидир, Учинчидан, инсон зотининг фазога ларвози тўғрисидаги ғоя ва унинг илк амалиёти ҳам шу академия туфайли амалга оширилди. Санкт- Петербургда сақланаётган бир қўлёзмада Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод Форобий ал-Жавҳарий (940-1008) деган астроном олимнинг Хоразмда илк бор қанот ясаб фазога учганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу ҳақида илк бор атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзода хабар берган эдилар. Тўртинчидан, Маъмун академияси минтақада фанни ривожлантириб қолмай, балки турли давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлади, турли халқларни, эътиқодларни бирлаштирувчи дўстлик риштаси бўлиб тарих саҳифасига ёзилди. Толерантлик онги тараққиёт талаби эканлигини амалда кўрсатиб берди. Бешинчидан, бу илмий жамоада гипотеза тарзида олға сурилган ғоялар фаннинг беш юз йилдан кўпроқ ривожланиши учун омил бўлди.

Олтинчидан, қолаверса барча наслларга ва асрларга татиғулик уч буюк даҳо Абу Наср ибн Ироқ, Беруний ва Ибн Синони етказиб берди. Ибн Ироқ "Математикларнинг математиги", Беруний "Тажрибавий илмнинг отаси", Ибн Сино "Табобат отаси" сифатида дунёда эътироф этилди. "Мажлиси уламо"даги қизгин баҳсу мунозаралар уларнинг кейинга ижодига ҳам самарали таъсир қилди.

Маъмун академияси 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий томонидан Хоразмнинг босиб олиниши билан ўз фаолиятини тўхтатса-да, бу илм масканида муаммо қилиб қўйилган илмий ғоялар атрофида мунозаралар давом этди ва ривожлантирилди. Кейинчалик Хоразмда етишиб чикқан Замахшарий, Сулаймон Боқирғоний, Чағминий, Нажмиддин Кубро, Фахриддин Розий, Пахлавон Маҳмуд каби пиру устозлар ҳам шу академиянинг бевосита давомчиларидир.

Кези келганда Оврупода биринчи академия 1662 йили Англияда ташкил топганини, у «Лондон киролик жамияти» деб аталганини эслаш лозим. Бу илмий жамият Кембриж университети талабаларининг илмий тўғараклари асосида вужудга келган. Унинг ташаббускори Роберт Войль (1627-91) ҳисобланади. Бу академияга ўз вақтида Р.Гук (1635-1703), Х.Рен (1632-1723) ва Исаак Ньютон (1643—1727) лар раҳбарлик қилишган.

Россияда биринчи академияга 1724 йили Пётр I асос солган. У 1747 йилги низомга кўра «Император Фанлар ва Санъат академияси» деб аталган. 1803 йилдан бошлаб «Император Фанлар Академияси» деб аталадиган бўлди.

Ёкут ал-Ҳаммавийнинг "Мўъжам ал-удабо" асарида ўрта асрда яшаб ижод қилган мингдан ортиқ алломаларнинг таржимаи ҳоли ва ижодидан намуналар келтирилган, шундан олтмиш нафари ватандошларимиздир. Тадқиқотчи Исроил Элмуродов "Мўъжам ал-удабо"даги йигарма бир нафар Хоразлик алломалари ва адиблари тўғрисидаги маълумотларни илмий таҳлил қилгани шу давр маданий юксалишидан далолат беради.

Хоразмшоҳ ануштегинийлар даврида, яъни 1097-1231-йилларда Хоразм яна бир бор илмий-маданий юксалишни ўз бошидан кечирди. Хоразмлик

алломалар бу даврда Маъмун академиясида устуворликка эга бўлган дунёвий илмлар билан бир қаторда, илоҳий илмларда ҳам улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Айниқса, тилшунослик, тафсир илмида ҳатто арабларни ҳам ортда қолдириб кетди. Марказий Осиёда бунгача ва бундан кейин ҳам мазкур соҳалар бу даражада ривожланмаган. Замахшарий араб ва турк тили луғатини ёзиб, ўзбек тили луғатшунослигига асос солди.

Бу даврда Умар ан-Насафий, Синнорий, Баққолий, Фахриддин ар-Розий, Абу-л Фатҳ ал-Мутарризий, Исмоил Журжоний, Маҳмуд Чағминий, Нажмиддин Кубро каби алломалар мушхур бўлдилар.

Хоразмшоҳлар империясининг сўнги даврида Марказий Осиёда шаклланган энг йирик тасаввуф тариқатларидан бири Кубровия кенг ёйилди. Бу тариқатга шайх Нажмиддин Кубро (1145-1221) асос солди, кейинчалик Ўрта ва Яқин Шарқнинг бошқа ўлкаларига ҳам кенг тарқалди. Кубро тасаввуфнинг фалсафийлашувида катта хизмат қилди. У ўзининг қатор рисолаларида тасаввуфнинг онтология, гнесеология, комил инсонни тарбиялаш масалаларини баён этди. Нажмиддин Кубро мўғуллар ҳужуми даврида ўз муридлари билан Кўҳна Урганч ҳимоясида фаоллик кўрсатди. "Она ватан учун, Ватанни ҳимоя қилаётиб шаҳодат жомини нўш айлаш, Аллоҳ васлига етишмоқ ила баробардир" дея ватанларварлик ва инсонларварлик намунасини кўрсатиб, халқнинг миллий қаҳрамони сифатида гавдаланди. Кубровия тариқатидаги жавонмардийлик ғоялари кейинчалик Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Таробий каби саркардаларнинг жасоратига ғоявий манба бўлиб хизмат қилди.

Таниқли олим Зиё Бунёдов "Ануштегин хоразмшоҳлар давлати" номли монографиясида қирқдан ортиқ алломанинг ҳаёти ва ижоди, асарлари ҳақида маълумот бериши Хоразмда илм-фан ва маданият юксак даражада ривожланганини кўрсатади.

Демак, IX-XII асрларда фанда араб тили, бадий ижодда форс тили, ҳарбий соҳада турк тили устуворликка эга бўлиб, илмий-маданий юксалиш изчиллик билан ривожланиб борди.

Ўрта асрларда Хоразмдаги илмий-маданий юксалишнинг омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, Хоразм ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйган, қадимий цивилизация ўчоғи бўлган маданий ҳудудлардан бири эканлиги, зардўштийлик таълимотининг илк ватани бўлганлиги;

Иккинчидан, Мағрибу машриқни боғлаб турувчи, "Буюк ипак йўли"нинг бир тармоғи Хоразм ҳудудидан ўтганлиги;

Учинчидан, ягона империя доирасида ўзаро таъсирга киришган қадимги Юнон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳинд ва Хитой илму-фан ютуқлари. Қадимги маданият дурдоналари араб, форс, турк тилларига таржима қилинди ва шарҳлар ёзилди.

Тўртинчидан, ислом байроғи остида Яқин ва Ўрта Шарқ маданиятининг уйғунлашуви асосида ислом маданиятининг вужудга келганлиги ва бу жараёнда Марказий Осиёлик алломаларнинг фаоллигига;

Бешинчидан, маҳаллий илмий муҳит вакиллариининг ютуқларидан кенг фойдаланганлиги;

Олтинчидан, назария билан амалиётнинг боғлаб олиб борилганлигига. Хоразмда илм-фаннинг ривожини амалиёт талабларидан келиб чиққанлиги. "Илм-фан кишилар ҳолатини чиқармоқдир" ғоясининг устиворлиги;

Еттинчидан, ўрта асрларда дунёвийлик ва динийликнинг уйғунлиги, турли диний эътиқодлар вакиллари орасида ўзаро ҳамкорлик ва миллатлараро тотувликнинг умуман, толерант онгнинг мавжудлиги.

Саккизинчидан, умуман Хоразм менталитетининг мавжудлиги. IX-XII асрларда Хоразмда санъат, адабиёт, астрономия, математика, минерология, тиббиёт, ирригация каби гуманитар ва табиий фанлар тарққиётига қўшилган улкан ютуқлар жаҳон цивилизацияси ҳазинасида бебаҳо қадрият сифатида боҳоланди, ҳамда бутун башарият манфаатларига ҳизмат қила бошлади.

Бу тарихий илм маскани бугун ҳам ёшларимиз онгида инсоният тафаккурига чексиз ҳурмат, миллий ғурур, фахр-ифтихор, ватанларварлик туйғуларининг шаклланишига ўз ҳиссасини қўшажакдир.

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун академияси («Мажлиси уламо»)да Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Сайд ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мискавайх, Абу Мансур ас-Саолибий, Аҳмад Муҳаммад ас-Саҳрий, Зайнуддин Журжоний, Абулкарим Зирғалий, Абу Абдуллоҳ ал-Вазир, Абул Ҳасан Маъмун, Абу Муҳаммад Хоразмий, Абдуаввал ибн Абдусамадий, Абу Азоқ ибн Баҳром, ал-Косий, Абу Абдуллоҳ Илоқий, Абу Абдулла ан-Найсабурий ал-Хоразмий, ал-Хамдакий, Аҳмад Масъурий, Абу Муҳаммад Раккоший, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абубакр Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сухайл ал-Хоразмий ва бошқа олимлар математика, астрономия, астрология, рухият, мантиқ, тиббиёт, фалсафа, тарих, тилшунослик, таълим-тарбия, кимё, адабиёт, мусика, география, геодезия, топография, механика сингари турли фан соҳалари билан шуғулланиб, бу илмларнинг келажакдаги тараққиётига замин ҳозирладилар.

Беруний (973-1048)

Хоразмлик буюк қомусий тафаккур эгаси Абу Райҳон Беруний жаҳон фани ва маданиятини юксалтиришда жонбозлик кўрсатган ватандошларимиздандир.

Беруний бутун кучи, ҳаёти, ақл-идроки ва тафаккурини илм ва фан асосларини ўрганишга сарфлади. У ўзини қизиқтирадиган масалаларни синчиклаб ўрганиб, моҳиятини билиб олишда ҳеч эринмаган, ҳафсаласи ниҳоятда кучли бўлган. Шунинг учун Шарқда Беруний ҳақида осойишталикни машаққатдан, кечани кундуздан ажратмаган, куни қалам ушлашдан, мияси фикрлашдан, тили баён этишдан ҳеч қачон чарчамаган, ўз таҳсили ва камолоти учун йилнинг ҳамма кунларини берган, деган га Ал тарқалган. У билим ва тафккур тимсоли бўлган.

Илм замон иқболидир. Илмнинг инсон ҳаёти ва фаолиятидаги ўрни ҳақида Абу Райҳон Беруний шундай деб ёзади: "Илмлар кўпдир. Улар замоннинг иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини

хурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. Айниқса ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Чунки ҳукмроннинг шундай қилиши кишиларнинг, дунёнинг зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар учун бўшатиб қўяди. Демак, олимларнинг қалби буни севиш учун яратилгандир".

Тенглашадиган олимни учратмаган. Олим дунёқарашининг кенглиги, илмий қизиқишлари фаннинг ғалабаси учун тинимсиз кураши олим номига абадийлик муҳрини босади.

Берунийнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида бир қанча асраларида фикр билдирган. Айниқса, унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Марказий Осиё ҳудудида яшаган халқлар, уларнинг урф-одат ва анъаналари, тили, дини, тафаккури. Хуллас, миллий қадриятлари ҳақида бебаҳо маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, «Ҳиндистон» асарида у ҳинд халқининг анъаналари, дини, урф-одатлари ҳақида кўплаб маълумотлар берибгина қолмасдан, бу қадриятларни ўз халқи, шунингдек, ислом мамлакатлари халқлари қадриятлари билан таққослаган, тегишли умумлашмалар ва хулосаларга келган.

Беруний барча фанларнинг келиб чиқишини ҳам инсон ҳаётининг эҳтиёжи билан боғлайди, илмий қадриятларнинг олий қадрият - инсонга хизмат қилиши лозимлигини уқтиради. У илмни диндан ажратиб ўрганиш тарафдори бўлиб, илмий ва диний қадриятларни қориштириб юборишга қарши туради. Илмий қадриятларнинг асосини тажрибага боғлиқ эканлигини таъкидлаши билан бирга, назарий билимларни ҳам рад этмайди¹.

Беруний тарихий ҳодиса ва жараёнларни билишда инсон ёлғон-яшиқларга, нотўғри маълумотларга, юзаки хабарларга асосланмасликни, масалаларни ҳар тарафлама, мукаммал билиш, уларни қиёсий ўрганиш зарурлигини айтиб ўтган.

¹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т.: 1997. 240-бет.

Берунийнинг жамият, унинг истиқболи келажак сари ривожланиб боришида меҳнатнинг, илм-фан, маданият ва илмий мероснинг, инсон омилининг роли ва аҳамияти борасидаги билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам бебаҳодир; олим ақл, меҳнат, эркин танлаш инсон ҳаётини ва ижтимоий ҳолатини белгилайди, деган. Инсон ўзидан бошқаларнинг ҳам бахт-саодатини ўйлаши зарурлиги ҳақида гапириб, «Жавохирот» асарида ёзади: «Инсоннинг кадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан иборат. Шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади. Инсон ўз хоҳишига меҳнат билан эришади»¹.

Беруний жамият тараққиётини фан тараққиёти билан боғлайди. Илмий кадриятлар диний ва миллий кадриятларнинг даражасини белгилайди, улар инсониятни фақат эзгуликка етаклайди, дейди аллома.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний - 973 йил 4 сентябрда Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат шаҳрида туғилган У ёшлигидан Африқий хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқнинг амакиси Али ибн Ироқнинг ўғли Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқнинг оиласида ўсади ва тарбия олади. 1004 йил бошидан то 1017 йил охиригача Гурганчда туриб, Маъмун академиясида хизмат қилади. Мазкур йил охирида Маҳмуд Ғазнавий уни ўз пойтахти Ғазнага олиб кетади ва олим то вафотигача, яъни 1048 йилга қадар ўша шаҳарда туради. Лекин орада бир марта - 1025 йилда Хоразмга келиб кетади. Беруний кўп тилларни билган қомусий олим бўлган ва 153 та илмий асар ёзган, улар асосан аниқ фанларга, баъзилари тарих, минералогия ва табобатга бағишланган.

Беруний жаҳон фани ривожига катта ҳисса қўшган қомусий олим, Маъмун академияси раҳномаси. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Масъуд Қонуни», «Геодезия», «Сайдона», «Минералогия» ва бошқа асарларида тарих, фалсафа, таълим-тарбиядан ташқари геология,

¹ Усмонов Б., Боқиев Ф. Фалсафа фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Гулистон: 2005. 35-бет.

астрономия фанларининг долзарб муаммоларига доир тадқиқотлар олиб борган.

Ибн Сино (980-1037)

Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980-1037) - бутун дунёда тиббиёт илми юксалишига асос солди, Унинг «Тиб конунлари», «Нажот китоби» асарлари асрлар давомида Шарқ, Ғарб мамлакатларида тиббиёт комуси сифатида тан олинди, ўқув қўлланмаси вазифасини ўтаб келган. Ибн Сино асарлари бизнинг давримизда ҳам қайта нашр қилиб борилиши уларнинг бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаганлигидан далолат беради.

Ибн Сино Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. Бошланғич маълумотни отасидан, юқори илмларни эса Нотилийдан олган. 17 ёшидаёқ моҳир табиб сифатида танилган Ибн Сино 996-йили Бухорога, амир Нух ибн Мансур Сомоний (976 - 997) саройига таклиф қилинади. Бухорода сомонийлар сулоласининг ҳукмдорлиги тугатилгач, 1002 йилдан кейин Гурганчга, хоразмшоҳ Абу Ҳасан Али ибн Маъмун (997-1009) саройига келади. Кейинчалик у ерда Маъмун академиясининг энг фаол олимларидан бирига айланди. 1011 йили султон Маҳмуд Ғазнавийнинг таъқибидан қочиб, Гурганчни тарк этишга мажбур бўлади. У аввал шимолий Хуросондаги Обивард шаҳрига, у ердан Нишопурга, сўнг Гургонга, султон Қобус ибн Вашмгир Зиёрий саройига боради. 1014 йили у ерни ҳам тарк этиб, Райга, шоҳ Маждуддавла Рустам Бувайҳий (997 - 1029) саройига келиб, 1019 йили унинг вазири лавозимигача кўтарилишга муяссар бўлади. 1021 йили Шамсуддавла вафот этганидан сўнг Ибн Сино айбланиб, ҳибсга олинади. 1023 йили ҳибсдан қутулиб, Исфаҳонга, Алоуддавла Какуйя (1008 - 1041) ҳузурига келади ва умрининг охиригача унинг хизматида бўлади. У 1037 йилда Ҳамадонда вафот этиб, ўша ерда дафн этилади.

Ибн Сино ўзи шуғулланган фан соҳаларининг қарийиб ҳар бирида сезиларли из қолдирди, ўз даври фани учун илғор бўлган ғояларни илгари сурди. Жумладан, астрономик асбоблар яшаш соҳасида XVI асрдан «нониус»

деб аталган асбобни ихтиро қилди; табиий фан соҳаларида зилзила, вулқонлар, тоғларнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳозирги геологияда ўз тасдиғини топган назарияларни таклиф қилди; моддаларнинг таснифи, илмлар таснифини ишлаб чиқди; табобат соҳасида диагностика, терапия ва жарроҳликда янги ва эффектив ташхис ва даволаш усуллари ишлаб чиқдики, уларнинг баъзилари кейинчалик Европада қайта кашф қилинди. Перкуссия, трахеотомия, чиққан елка суягини тўғрилаш, қанд касаллигининг ташхиси шулар жумласидандир.

Фалсафий асарларида Ибн Сино классик юнон фалсафасининг давомчиси сифатида уни янги ғоялар билан бойитди.

Марказий Осиё илк уйғониш даврининг етук олимларидан бири Абу Али Хусайн ибн Синодир.

Ибн Сино қисқагина умри давомида уч юздан ортиқ асарлар ёзганлиги маълум. Унинг асарлари илм ва фаннинг барча соҳаларига оиддир. Қомусий олимнинг асарларини илмлар тармоғи бўйича тақсимланганда, ўрта асрларда маълум бўлган барча фанларни санаб чиқишга тўғри келади.

Ибн Сино ўзининг илмий фаолияти давомида ёзган асарлари билан Марказий Осиё халқлари маданиятини дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиқди. Шунинг учун уни «Шайх ур-раис» яъни «Олимлар бошлиғи» деб атаганлар. Унинг асосий асарлари Шифо китоби, Донишнома, Тиб қонунлари, Нажот китоби кабиларда миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Ибн Сино ўзининг ахлоқ тўғрисидаги фикрларида ахлоқий фазилатларни улуғлади ва ахлоқий иллатларни, ёмонликларни кескин қоралади. Хусусан, у инсоннинг кундалик амалий ишларидаги энг зарурий ахлоқий муносабатларга, камтарлик, иззат-ҳурмат, жасурлик, тўғрилик, софдиллик каби хулқий қоидаларга . алоҳида эътибор берди. Инсоннинг жамоада ўзини тутиши, оила аъзоларининг ўзаро алоқалари, жамиятдаги турли табақаларнинг ўзаро муносабатлари, инсоннинг камолотида, унинг жамиятда

тутган ўрнида миллий қадриятларнинг ўрни унинг асарларида алоҳида ёритилди¹. Унинг ахлоқий фикрлари одил фуқаролик жамияти ҳақидаги фикрлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ибн Сино ўзининг кўп тармоқли сермахсул илмий ижоди, бой мероси билан жаҳон маданияти тараққиётида катта ўрин тутди. У ўз ижоди билан Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги юқори маданий кўтаринкилик, маданий уйғонишнинг маънавий ютуқларини мужассамлаштира олди, бу билан бутун Шарқ ва Европадаги маърифат, маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Марказий Осиё Уйғониш даври маданиятининг буюк алломалари, қомусий билим эгалари ўзларининг давридаги барча илмлар билан шуғулландилар. Улар инсон, жамият, уларнинг ўзаро муносабатларида қадриятларнинг бекиёс ўрнини кўрсата олдилар. Бундан ташқари, мутафаккирлар ижодида миллий қадриятларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги, ёшларни миллий қадриятлар асосида тарбиялашнинг фойдалари кўрсатиб берилди.

Ҳозирги кунда буюк келажакни қурувчилари бўлмиш ёшларни тарбиялаш жараёнида, уларни миллий истиқлол ғоялари ва миллий қадриятлар асосида тарбиялашда қомусий олимлар меросидан фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам қимматлидир.

¹ Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.: 1971. 284-бет.

III-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИ МЕРОСИ

3.1. Марказий Осиё алломалари меросининг таснифи.

Мусо Хоразмий мероси

Мусо Хоразмийнинг дунёнинг катор қўлёзма фондларида сақланаётган ўндан ортиқ асарларнинг қисқача мазмунини:

1.«Арифметикага доир асар». Китобнинг арабча матни сақланмаганлиги учун у лотинча («ал-Хоразмий ҳинд ҳисоби ҳақида») номи билан маълум. Асар XII асрда кремоналик Герардо ёки Аделард Бат томонидан лотин тилига таржима қилинган. Кейинчалик бу таржима Б.Бонкомпаньи ва К.Фогель томонидан нашр этилади. Рисоланинг русча нашри ҳам мавжуд.

Рисолада 0 (нольдан) 9 гача рақамларни ишлатган ҳолда бошқа сонларни қўшиш, айриш, бўлиш, кўпайтириш, касрлар, касрларни кўпайтириш, илдиз чиқариш каби амаллар ҳақида мулоҳазалар юритилади. Баъзи маълумотларга қараганда, рисоланинг асл номи «Қўшиш ва айириш китоби» ҳам бўлиши мумкин. Ал- Хоразмийнинг бу рисоласи олимнинг юбилеи муносабати билан 1983 йили Тошкентда нашрдан чикди.

2.«Ал-жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб». Ал-Хоразмий рисоласининг асосан икки қўлёзмаси, яъни Оксфорд университетининг Бодлен ва Кобулдаги кутубхоналарида мавжудлиги фихристларда эътироф этилади. Аммо турк тадқиқотчиси Ойдин Сайили ал-Хоразмий рисоласининг яна икки нусхаси Қоҳира ва Германияда мавжудлигини қайд этган. О.Сайилининг таъкидлашича, бу нусхаларнинг бирини араб тадқиқотчиси Одил Анбуба Германияда учратган, иккинчиси эса Қоҳирадаги арабий қўлёзмалар институтининг журналида (ноябрь, 1956) қайд этилади. Рисола инглиз, рус, лотин, форс, ўзбек тилларида нашр, таржима ва тадқиқ қилинган.

Рисоланинг фан тарихидаги муҳим жиҳати, «ал-жабр» сўзининг замонавий алгебра фанининг келиб чиқиши ва шу сўз билан аталиб қолишига сабаб бўлгани билан белгиланади. У махсус рақамланган боблардан ташкил топмаган, шундай бўлса-да, уни шартли равишда кичик бир муқаддима ва 27

бобдан иборат, дейиш мумкин. Мукаддимани ал-Хоразмий ўша давр учун анъанавий бўлган Аллоҳ ва пайғамбарга ҳамду сано айтиш билан бошлайди. Сўнгра у халифа ал-Маъмунни эслайди ва у ҳақида шундай дейди: «Аллоҳ имом ал-Маъмунга, унга мерос бўлиб ўтган халифалик лавозимини инъом қилиб, мурувват этганлиги, бу лавозим либосини кийдириб, уни безаганлиги ва шу билан бирга унда фанларга муҳаббат ва олимларни ўзига яқин тутишга интилиш (ҳиссиётини) уйғотганлиги менга жасорат ато қилди, (чунки, у) уларнинг устига ўз ҳомийлик қанотини ёзиб, уларга ноаниқ бўлган нарсаларни ёритишга ва улар учун мушкул бўлган нарсаларни осонлаштиришга ёрдамлашарди. Шунинг учун мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»ни тарғиб қилдим, чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда, ҳандасада ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир».

Рисоладаги бобларда турли математик амаллар жумладан, квадратларнинг илдизларга тенглиги, квадратларнинг сонларга тенглиги, сонга тенг илдизлар, квадратлар ва илдизларнинг сонга тенг эканлиги, квадратлар ва сонларнинг илдизларга тенглиги (1-6 боблар), кейинги 7-9 бобларда аввалги 4-6 бобларнинг тўғри эканлиги геометрик шакллар орқали исботланади, кўпайтириш ҳақида боб (10), орттириш ва камайитириш ҳақида боб (11), олти масала ҳақида боб (12), ҳар турли масалалар ҳақида боб (13), муомала ҳақида боб (14), ўлчаш ҳақида боб (15), васиятлар ҳақида китоб (16-23 боблар), яъни бу бобларда, ҳамда кейинги (24-27) бобларда мусулмон давлатларида кенг қўлланилган мерос тақсимлашнинг турли математик услубда ечилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Илмий адабиётларда мазкур асар замонавий алгебра фанининг яратилишига асос бўлгани эътироф этилади.

3.«Хоразмий зижи». Ибн ал-Қифтийнинг ёзишича, халифа ал-Маъмун ал-Хоразмийга Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Фазарийнинг «Катта Синдҳинд»

номли ҳинд тилидан таржима қилинган асарининг қисқартирилган шаклини ёзишни топширган ва шу тариқа ал-Хоразмийнинг «Зиж» асари яратилган. Аввалига бу асар «Кичик Синдҳинд» номи билан маълум бўлган, сўнгра эса, у ал-Хоразмийнинг Зижи номи билан танилган; асарнинг асл нусхаси сақланмаган. Унинг ўрта аср астрономи Маслама ал-Мажритий (X-XI) қайта ишлаган ва Аделард Бат томонидан лотин тилига ўгирилган нусхаси дунёнинг катор кутубхоналарида мавжуд.

Ал-Хоразмий Зижига ўрта аср олимлари жумладан, Аҳмад ал-Фарғоний ҳам шарҳ ёзган. Лекин ал-Фарғонийнинг шарҳи бизгача етиб келмаган. Бундай шарҳнинг мавжуд бўлганига ал-Хоразмийнинг ватандоши Абу Райҳон Беруний ишора қилади.

Ал-Хоразмий Зижи муқаддима, 37 боб ва 116 та жадвалдан иборат. Муаллиф муқаддимада «Зиж»нинг ёзилиш сабабларини айтиб ўтганидан сўнг, 1-5 бобларни календарларга бағишлайди: Араб йилининг тавсифи (1), Рим йилининг тавсифи (2), Тўфон эраси, Искандар Зулқарнайн эраси, Испан эраси, Христиан эраси, Ҳижрий эралар; Қуёш, Ой ва бешта сайёралар эфемеридалари жадвалларини тузиш (3), Араб ойларининг бошлари (4), Кабиса йилини аниқлаш ҳақида (5), Айланаларнинг бўлиниши ҳақида (6). Кейинги 7-22 бобларда Батламйуснинг геоцентриқ тизими бўйича Қуёш, Ой ва беш сайёранинг ҳаракатлари ҳақида маълумотлар келтирилади. 23-боб синусни ёй бўйича аниқлаш ва аксинча деб аталиб, тригонометрияга оиддир. 24-27 бобларда географик жойларнинг узунлик ва кенглигини аниқлаш (24), буржларнинг тўғри сферада чиқишлари (25), хоҳлаган бурж ёки даражанинг ихтиёрий жойда кўтарилиши (26), ихтиёрий жойдаги ихтиёрий кундуз соатининг узунлиги каби масалалар муҳокама қилинади. 28-бобда ихтиёрий жисмнинг текис сояси Қуёш баландлигига кўра қандай аниқланиши баён этилади. 29-37 бобларда ёритгичларнинг тезлиги, Қуёш ва Ойнинг бирлашиш ва рўлара туриши, уларнинг тутилиши ҳамда лараллакс масалалари таърифланади.

4.«Астурлоблар билан амал тутиш ҳақида китоб». Рисоланинг матни Берлиндаги Пруссия кутубхонасининг № 5093 рақамли қўлёзма таркибига кирган. Асар Уфранк, Э.Видеман, К.Шой, Б.Розенфельд ва Н.Сергеевалар томонидан ўрганилган.

А.Аҳмедовнинг кўрсатишича, ал-Хоразмийнинг мазкур асари 48 бўлимдан иборат. Бўлимларда астурлоб ёрдамида ёритгичлар баландликларини топиш (1), толе ва кеча ё кундузда вақтни аниқлаш (2-3), астурлоб ёрдамида топилган натижани жадвал ёрдамида ҳисоблаб, топилган натижа билан солиштириб, астурлобни қанчалик аниқ эканлигини текшириш (4), кеча ва кундуз ёйларини аниқлаш (5-7), буржларнинг ер экватори ва турли ерлардаги чиқишлари (8-9), ёритгичларнинг эклиптик координатларини аниқлаш (10-12 ва 14-15), ёритгич оғишини аниқлаш усули (13 ва 19), ёритгичларнинг кўтарилиши (чиқиши), ботиши ва кульминация даражасини аниқлаш (16-18), кундуз ва кеча ёйларини ёритгичларга кўра аниқлаш (20), Қуёш баландлигига кўра гномон соясини, яъни Қуёш баландлигининг котангенси ёки тангенсини астурлоб зухридаги «соялар квадрати»га кўра аниқлаш усули (21), жойнинг кенгламасини аниқлаш усули (22), ёритгич баландлиги ва вақни толега кўра аниқлаш усули (23-24 ва 26), ёритгич баландлигини вақт бўйича аниқлаш (25, 27-28), «тўғри соатларни» «эгри соатларга алмаштириш» ва аксинча (29-30), уйларни эквализациялаш ва бошқа астрологик амаллар (31-33), икки жойнинг географик координатларини таққослаш (34-40), бомдод, пешин, аср ва шом вақтларини аниқлаш (35-36), ёритгич азимутини аниқлаш (37), Ой чиқиш вақтини аниқлаш (38), Ойга кўра толени аниқлаш (39), намоз вақтини аниқлаш учун циркуль тавсифланади (41-42), айрим астрологик масалалар (43-45), астурлобларнинг турлари ҳақида (44), Ернинг бешта зона (қисм)га бўлиниши, квадрат яшаш усули (47-48). Ал-Хоразмий рисоласидаги бу боблар, муаллифнинг ўрта аср астрономиясида астурлоб қўлланилган барча масалаларни қамраб олганини кўрсатади.

5.«Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг ажойиб ишларидан бири - «Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш» рисоласидир.

Рисоланинг ягона арабча нусхаси Истанбулдаги Аё Суфиё кутубхонасидаги 4830/13 рақамли қўлёзманинг 198 6-200 а варақларида жойлашган. Қўлёзма 622/1225 йили кўчирилган. Рисола рус тилига таржима қилинган.

6.«Қуёш (мармар) соат юзасида соатлар яшаш». Г.Матвиевская ва Б.Розенфельд қўлёзмани Аё Суфиё кутубхонасида № 4830/15 рақами остида сақланмоқда деб маълумот берадилар. Мармар соатлар дейилганда, ўрта асрларда қуёш соатлар тушунилган. Чунки қуёш соатларининг юза қисми мармардан ясалган. Рисола ал-Хоразмийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан 1983 йили илк маротаба рус тилида таржима ва изоҳлар билан нашрдан чиқди.

7.«Астурлобнинг ишлаши ҳақида китоб». Бу асарнинг мавжуд бўлганига фақат Ибн ан-Надим ишора қилади. Ўрта асрнинг бошқа манбаларида мазкур рисоланинг Хоразмийга тегишли экани ҳақида маълумот сақланмаган. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, рисоланинг номи Хоразмийнинг юқорида зикр этилган бошқа асари, яъни «Астурлоблар билан амал тутиш ҳақида китоб»га жуда ўхшаш. Шу сабабдан ҳам бу икки рисола амалда фақат бир асар бўлиши мумкин.

8.«Қуёш (мармар) соати ҳақида китоб». Рисоланинг ал-Хоразмийга тегишли эканини Ибн ан-Надим таъкидлайди. Асар Аё Суфиё кутубхонасида № 4830 қўлёзманинг 231 6-235 а варақларида жойлашган ва 620/1223 йили кўчирилган. Ал- Хоразмийнинг бу рисоласи унинг юқорида биз эслатган «Қуёш соати юзасида соатлар яшаш» номли асари билан бир хил бўлиши мумкин. Чунки араб тадқиқотчиси Ж.Даббах таржима қилган охирги рисола ҳам Истанбулдаги қўлёзманинг худди шу варақларида жойлашган.

9.«Ернинг тасвири китоби». Муаллифнинг бу китоби илмий адабиётларда ал- Хоразмийнинг «географик асари» ёки қисқача ал-Хоразмийнинг «География»си номи билан юритилади. Ал-Хоразмий

«География»сини ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, муаллиф «Ер тасвири» ибораси ортида географик харитани назарда тутган ва шу билан бир каторда, улар бу асарни ал-Маъмун харитасининг тавсифидан иборат бўлганини таъкидлайдилар.

10.«Тарих китоби». Ал-Хоразмийнинг бу асари ҳам бизга тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Унинг баъзи ларчалари ўрта асрнинг қуйидаги манбаларида учрайди:

1.«Боғдод тарихи», муаллифи - Аҳмад ибн Абу Тохир Тайфур ал-Хуросоний (IX асрнинг биринчи ярми).

2.«Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи», муаллифи -Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (839-923).

3.«Ёқубий тарихи», муаллифи - Аҳмад ибн Абу Ёқуб ибн Жаъфар ал-Ёқубий (ваф. тах. 900 й).

4.«Ер юзидаги подшоҳлар ва пайғамбарлар йилларининг тарихи китоби», муаллифи - Ҳамза ал-Исфогоний (893-970).

5.«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва «Туларжойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охириги чегараларини аниқлаш», муаллифи - Абу Райҳон Беруний (973-1048).

6.«Тўғри (нарс)нинг исботи», муаллифи - Илёс Бар Шинайя (975-1050).

7.«Мамлакатлар қомуси», муаллифи - Ёқут ар-Румий ал-Ҳамавий (1119-1229).

8.«Халифалар тарихи», XI аср, муаллифи номаълум.

9.Абд ал-Мажид ибн Абдун ал-Фахрийнинг «Қувноқ қасида» рисоласига ёзилган шарҳ (изоҳ), муаллифи - Ибн Бадрун Абд ал-Малик ибн Абдуллоҳ ал-Хадрабий (XII-XIII).

Ал-Хоразмийнинг «Тарих китоби»га булардан ташқари, Ибн ан-Надимнинг «ал- Фихрист» ва Абул-Ҳасан Али ал-Масъудийнинг (ваф. 956 й.) «Мурўж аз-заҳаб» асарларида ҳам ишора берилади.

Ал-Хоразмийнинг ушбу асари халифаликнинг ижтимоий-сиёсий, ҳарбий тарихига алоқадор бўлиб, унинг ҳозиргача маълум бўлган ларчалари Ж.Даббах тарафидан нашр этилган.

Муҳаммад Мусо ал Хоразмий нафақат машҳур математик, табиатшунос аллома, балки машҳур файласуф сифатида ҳам маълум ва машҳурдир.

Аҳмад Фарғоний мероси

Дунёнинг турли қўлёзма фондларида Аҳмад ал-Фарғонийнинг қуйидаги асарлари сақланиб қолган:

1.«Фалаккиёт илми асослари ва самовий ҳаракатларнинг усуллари». Муаллифнинг энг машҳур китоби саналган бу рисола Дублин, Истанбул, Лейден, Москва, Оксфорд, Санкт-Петербург, Қоҳира кутубхоналарида мавжуд. Бундан ташқари, худди шу рисола бошқа номлар билан қуйидаги кутубхоналарда ҳам сақланган:

а) «Боблар (қисмлар) китоби: «Ўттиз бобдан иборат «Ал-мажистий»га кириш». Бу нусха Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасида сақланади.

б) «Ал-мажистий» Принсетонда сақланади.

в) «Фалаккиёт» Ларижда сақланади.

г) «Фалаккиёт илми асослари» Қоҳирада сақланади.

д) «Фалаккиёт илмига кириш» Мадалат (Марокаш)да сақланади.

е) «Шаҳарлар ва давлатларнинг номлари» Техронда сақланади.

2.«Ҳандаса ва ҳисоб ёрдамида шимолий ва жанубий астурибни яшаш учун комил китоб». Рисоланинг нусхалари Туркия, Берлин, Лондон, Лариж, Техрон, Машҳад ва Қоҳирада сақланади.

3.«Етти иқлимнинг ҳисоби» Қоҳира ва Готада сақланади.

4.«Астурибни қўллаш ҳақида китоб» Рампурда сақланади.

5.«Ал-Фарғоний жадваллари» Патнада сақланади.

6.«Жадий диаметри учун ал-Фарғоний жадваллари» Маниса (Туркия)да сақланади.

7.«Ой ернинг устида ёки остида жойлашган вақтни аниқлаш ҳақидаги рисола» Қоҳирада сақланади.

8.«Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб» Қоҳира ва Ҳалабда сақланади.

9.«Ал-Хоразмий зижини тушунтириш». Ушбу рисола бизгача етиб келмаган.

Ал-Фарғоний асарларининг энг машҳури «Астрономия илми асослари» бўлиб, у 30 бобдан иборат. Уларда фалаккиёт фанининг асосий масалалари - араб, юнон, суриялик ва форсларнинг Ой ва Қуёш тақвими (1-боб), самонинг сфера шаклида экани (2-боб), Ернинг шар шаклида экани (3-боб), Ер осмон сферасининг маркази экани (4-боб), осмон жисмларининг икки кўринма ҳаракати (Қуёш, Ой ва сайёраларнинг суткалик ҳаракати (5-боб), Ернинг аҳоли яшайдиган қисмининг тартиби ва унинг осмон сферасининг барча айланишида рўй берадиган тун ва кундаги ўзгаришлар (6-боб), Ернинг аҳоли яшайдиган чорагининг хоссалари (7-боб), Ерни ўлчаш ва унинг обод қисмини етти иқлимга бўлиниши (8-боб), Ердаги мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари, уларнинг қайси иқлимга тегишли экани (9- боб), буржларнинг тўғри чиқиши ва унинг тўғри ҳамда оғма сфералардаги ҳаракати (10-боб), кеча ва кундуз вақтларининг миқдори, текис соатлар билан замонли соатларнинг фарқлари (11-боб), ёритгичлар сферасининг шакли, таркиби ва уларнинг Ердан узоқлик даражалари (12-боб), Қуёш, Ой ва кўзғалмас ёритгичларнинг сфералар бўйича айланма ҳаракати (13-боб), ҳаракатланувчи бешта ёритгич (сайёралар)нинг узунлик бўйича ҳаракати (14-боб), бешта ҳаракатланувчи ёритгичнинг эклиптика бўйича қайтма ҳаракати (15-боб), сайёраларнинг эпицикллари, уларнинг деферентлари ўлчамлари (16-боб), ёритгичларнинг ўз сфераларидаги ва эклиптикадаги даврлари (17-боб), кўзғалмас ёритгичлар ва сайёраларнинг кенглик бўйича ҳаракати (18-боб), кўзғалмас юлдузларнинг сони, уларни катталиклар бўйича таснифлаш (19-боб), Ой манзиллари (20-боб), ҳаракатланувчи ва турғун юлдузларнинг Ердан масофаларини ўлчаш (21-боб), ёритгичларни ўлчаш ва ҳар бир ёритгичнинг Ер ўлчовига нисбатан миқдори ҳақида (22-боб), ёритгичлар ва уларнинг эклиптикадаги даражаларининг меридиандаги, чиқишдаги, ботишдаги бўладиган ихтилофлари ҳақида (23-боб), ёритгичларнинг

чиқишлари ва ботишлари ҳамда уларнинг Қуёш нурида бекинишлари (24-боб), Ҳилол (янги Ой)нинг чиқиши ва Ой нурининг ортиши ва камайиши (25-боб), бешта ёритгичнинг Қуёш шуълалари (ости)дан чиқиши (26-боб), Ой ва сайёраларнинг лараллакс и (27-боб), Ой тутилиши (28-боб), Қуёш тутилиши (29-боб), Ой ва Қуёш тутилиши вақтлари орасидаги миқдорлар.

Олимнинг «Астрономия илми асослари» китоби Европага тарқалиб, бир неча асрлар давомида Европа университетларида фалаккиёт фани бўйича асосий дарслик сифатида ўқитилган.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг яна бир муҳим «Ҳандаса ва ҳисоб ёрдамида шимолий ва жанубий астурилобни яшаш учун комил китоб» рисоласининг нусхалари Берлин, Қоҳира, Қастамону, Лондон, Машҳад, Лариж ва Техронда сақланади. Ҳозирда унинг рус тилидаги тўлиқ таржимаси Тошкентда нашрдан чиқди.

Рисола муқаддима ва етти бобдан ташкил топган. Муқаддимада муаллиф «зат ал-ҳалақ» ва астурилоб каби астрономик жиҳозлар устида қисқа тўхтар экан, «уларни яшашда қадимги олимлар қўллаган услублардан фойдаланиб келинмоқда, лекин бирор киши уларни шарҳлаб ва тасвирлаб китоб ёзганини билмаймиз», дейди. Шунинг учун ҳам у бу жиҳознинг шакллари, ишлатиш услублари, астурилоб орқали ҳисобланадиган миқорларнинг аниқлиги ва бошқа мавзуларда қадимги олимларнинг фаолияти тўғри эканини шарҳлаб, «комил китоб» ёзганини уқтиради.

«Ҳандасадаги тасдиқларнинг муқаддималари» номли 1-бобда астурилобларнинг шакллари шарҳланади. Кейинги боблар қуйидагича номланади:

2.«Астурилобнинг тузилиш тамойилларини тушунтириш».

3.«Астурилоб текислигида ҳосил бўладиган доиралар катталиклари ва уларнинг марказлари ҳолатини ҳисоблаш ёрдамида аниқлаш».

4.«Барча иқлимдаги доира марказлари ҳолатини жадвалга жойлаштириш».

5.«Шимолий астурилобни чизиш».

6.«Жанубий астурилобни чизиш».

7.«Биз ёзгандан ташқари, астурилобни қуриш ҳақидаги ҳамма фаразлар мумкин эмаслиги ва нотўғри эканлиги ҳақида»

Аҳмад ал-Фарғонийнинг бу рисоласи хандаса фанига оид янги фикрларнинг шаклланиши ҳамда астрономик жиҳозлар ҳақидаги назарий тасаввурлар ривожига муҳим аҳамият касб этди. Олимнинг космография ва стереографик проекция назариясига оид қарашлари тадқиқ этилган.

Юқоридаги маълумотлар, Фарғонийнинг «Байт ал- ҳикма»да фаолият кўрсатиб, фалаккиёт, риёзиёт, география фанларининг ривожига улкан ҳисса қўшган олим, шунингдек, астрономик жиҳозлар ва гидроиншоотлар қуриш ишларида ёрқин истеъдод соҳиби эканини кўрсатади.

Форобий мероси

Форобий йирик файласуф, тилшунос, мантикли, риёзиётчигина эмас, шу билан бирга социолог, филолог, тиббиётчи, психолог, мусиқа илмининг назариётчиси ва амалиётчиси ҳамдир. Форобий «Фалсафани ўрганишда нималарни билиш керак?», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Мантиққа кириш», «Шеър санъати», «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати, қонунлари ҳақида», «Илмларнинг келиб чиқиши туғрисида», «Мусиқа ҳақида сўз», «Оханглар таснифи ҳақида китоб», «Масалалар булоғи», «Ақл туғрисида», «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Фозил шаҳар одамлари қарашлари», «Давлат ҳақида» каби 160 дан ортиқ қимматли асарлар эди.

Форобий шуғулланган ҳар бир соҳа, у ёзган ҳар бир асар ўрта аср, янги давр ва ҳозирги замон олимлари таҳсили ва эътиборига сазовор бўлган. Форобий ёзган асарлар ўрта аср илмининг қарийб барча соҳаларини қамраб олган.

Қадимги юнон фалсафасини, хусусан Аристотель асарларини чуқур ва мукаммал билиш, таржима қилиш, илмий шарҳлар ёзиш, тарғиб-ташвиқот этишда Форобийга тенглашадиган ва унинг олдида тушадиган донишманд бўлган эмас. Форобий қадимги юнон мутафаккирлари ва табиатшунослари қаламига мансуб кўплаб асарларнинг умумий мазмуни ва йўналишини илмий

таҳлил қилган. Аристотельнинг «Метафизика», «Риторика», «Поэтика», «Категориялар», «Аналитика», «Этика» ва бошқа кўплаб асарларини таржима қилди.

Форобий ўрта аср фалсафаси ривожига катта хисса қўшди, биринчи бўлиб ўз давридаги илмларнинг таснифини берди. Ўзининг она тили — туркийдан ташқари форс, юнон, араб ва яна бир неча тилларни мукаммал билган. Шаркнинг машхур тарихчи олими Ибн Халликон (1211 —1282) фикрича, тил билишда ҳеч ким Форобий эришган даражага эришолмаган: у етмишдан ортиқ тилни билган.

Форобий ижтимоий ҳаёт, жамият масаласида ҳам анчагина муҳим фалсафий фикрларни ўртага ташлаган. У ўзининг «Фозил шаҳар одамларининг қарашлари» китобида ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга мухтож бўлади, у бундай нарсаларни бир ўзи қўлга киритолмайди, уларга эга бўлиш учун кишилар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада одамлар жамоаси вужудга келди, деб айтиб ўтади.

Форобий инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради, дунёда ягона бир бутун инсон жамоасини тўзиш ҳақида орзу қилади. «Бахт саодатга эришув ҳақида» рисоласида камолотга бир кишининг ёлғиз ўзи (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз) эришуви мумкин эмас, ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор, одам жинсидан бўлган ҳар қандай инсоннинг ахволи шу, у камолотга эришувда бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга мухтож ёки мажбурдир, дейди.

Форобий давлатни ҳар томонлама етук ўзида энг яхши инсоний фазилатларни намоён қилган кишилар ёрдамида бошқариш зарурлигини қайд этади. Шунингдек у ҳар томонлама етук аҳолини илму маърифатга олиб боровчи идеал жамоа ҳақидаги фикрни олга суради. «Фозил шаҳар одамларининг фикрлари» китобида Форобий давлатни бошқарувчи ҳоким Оллоҳдан бошқага ҳеч кимга буйсунмаслиги керак у табиатан ун иккита хислат фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур, дейди ва уларни бирма-бир санаб кўрсатади.

Аллома таъкидлаганидек фозиллар шаҳри ҳокими энг аввало тўрт мучаси соғлом бўлиши, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон ҳалал бермаслиги лозим. Иккинчидан, Шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, илғаб олиши зарур. У англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларини унутмаслиги, зехни уткир, зукко бўлиши, фикрини равшан тушунтира олиши, чиройли сўзлар билан ифодалаши лозим.

Шаҳар ҳокими, бундан ташқари, яна билим, маърифатга хавасли, укиш ўрганишдан асло чарчамайдиган, таом ейишда, ичкиликдан ўзини тия биладиган, ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақиқий одамларни севадиган, ёмонлардан жирканадиган бўлиши лозим. У ўз қадрини билувчи, номус ориятли, улуғ, олий ишларга интиладиган, мол-дунё кетидан қувмайдиган, табиатан адолатпарвар, жабрланганларга мадад берадиган бўлиб, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора тадбирларни амалга оширишда қатъият, сабот, журъат ва жасоратли курсатиши, кўрқоқликка йўл қўймаслиги зарур.

Форобийнинг «Фозил шаҳар одамларининг қарашлари» асаридан келтирилган юқоридаги доно фикрлар ҳозирги мустақиллик шароитида яшаб фаолият кўрсатаётган шаҳар, туман, вилоят раҳбарларига, олимларга, зиёлиларга, талабаларга, каттаю кичик барча кишига бевосита тааллуқлидир. Форобийнинг илмий фалсафий таълимоти инсониятнинг мислсиз маънавий бойлиги ва маданий маънавий камолоти йўлидаги дастур амалдир.

Беруний мероси

Беруний ўз асарларига ўзи тузган рўйхати - «Фихристи»да 113 та асар номи келтирилган. Бундан ташқари Берунийга атаб бошқа олимлар томонидан ёзилган 25 та асар номи ҳам келтирилган. Олим мазкур 113 та асаридан 68 тасининг варақлари сонини кўрсатган, улар 6197 варақни ташкил қилади, бу 12394 саҳифа бўлади.

«Маъсуд қонуни» асарида Беруний ўзидан аввалги олимлар ва замондошлари томонидан астрономия ва математика соҳасида эришилган барча ютуқларни тўплаган ҳамда уларга танқидий ёндашиб, ўз кузатишлари ва тадқиқотлари натижалари билан тўлдирган. Асарда Беруний астрономия ва математиканинг долзарб бўлган барча муаммоларига тўхталиб ўтган. Шундай қилиб, «Қонуни Масъудий» ўрта аср Шарқ астрономияси ва математикасининг қомуси бўла олди.

«Тафҳим» - «Юлдузшунослик санъати асосларини тушунтириш китоби» («Китоб ат-тафҳим ли аввайл синаат ат-танжим»), олим ҳаётлиги даврида ёки ундан биров кейинроқ арабчадан форсчага таржима қилинган, XX асрда тўла ёки қисман инглиз, немис, рус, тожик тилларига таржима қилинган.

Китоб хоразмлик Райҳона ал-Ҳасан қизига бағишланган бўлиб, савол-жавоб тарзида баён қилинган ва 530 савол-жавобдан иборат, саккиз бобга бўлинган: 1) Геометрия, 2) Арифметика, 3) Астрономия, 4) География, 5) Астрологик астрономия, 6) Хронология, 7) Астурлоблар, 8) Астрология.

«Астурлоблар» асари турли кўринишдаги астурлобларни яшаш ҳақида 70 та бўлимдан иборат.

Беруний алкимёни илмий кимёга яқинлаштиришга улкан ҳисса қўшган олимдир. Унинг Хоразмда маъданий моддаларнинг хоссаларини ўрганиш борасида олиб борган илмий изланишлари физика, минералогия, кимё каби фанларни моддалар диагностикасининг энг ишончли усули билан таъминлади, дейиш мумкин.

«Солиштирма оғирликлар» асари табиий фанлар тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирди, чунки олим фан тарихида биринчи бўлиб моддаларнинг

солиштирма оғирликларини, яъни улар вазнининг ҳажмига нисбатини аниқлади ва шу билан табиий фанларни моддаларни тадқиқ қилишнинг энг ишончли усули билан таъминлади.

Ўзи ясаган махсус асбоб ёрдамида Беруний 50 та модданинг, шу жумладан, 9 металл, 18 суюқлик, 3 та маъдан ва бошқа моддаларнинг солиштирма оғирликларини катта аниқлик билан ўлчади. Бу билан аллома минералогиядаги асосий масала - маъданларнинг замонавий таснифига асос солди ва биринчи бўлиб, қимматбаҳо тошларни тасниф этишда шу усулни қўллади ва бу борада фикрларини ўзининг «Минералогия» асарида баён қилди.

«Минералогия»да қимматбаҳо тошларга ишлов бериш усуллари, уларни баҳолаш ва тозалигини текшириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ундан ташқари, ўша даврдаги қимматбаҳо тошларнинг нарх жадваллари ҳам келтирилиб, тошларни тўғри баҳолаш бўйича бир қанча кўрсатмалар ҳам берилган. «Минералогия» ўз даври учун бундай маълумотлар тутган ягона манба ҳисобланади.

Айниқса, Марказий Осиёдаги конлар тўғрисидаги маълумотлар амалий жиҳатидан муҳимдир. Масалан, асарда Ангрен водийсидаги феруза, Зарафшондаги зок, нушодир, симоб, темир, мис, кўрғошин, кумуш ва олтин, Фарғонадаги тошкўмир, нефть, Бухородаги магнетит, Тожикистондаги олтин, лаъл, биллур конлари, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Африка, араб мамлакатларидаги конлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Беруний сунъий равишда олтин ҳосил қилиш, кимёвий ўзгаришлар ёрдамида бир металлни иккинчисига айлантириш, мўъжизакор ликсир яратиш кимёгарларнинг ушалмас орзуси эканлигини яхши тушунгани ҳолда, уларнинг тажриба ва асарларининг рационал негизини топа олган ва ўз асарларида ривожлантирган.

Берунийни Хоразм Маъмун академиясида табобат билан шуғулланган алломалар қаторига ҳам қўшиш жоиздир. Тиб амалиёти билан шуғулланмаган бўлса ҳам, аллома Хоразмда яшаган даврида ўлка табиати,

хайвонот ва ўсимлик дунёсини чуқур ўрганиб, ўз фикрларини, кузатув натижаларини қайд этиб борган. У доривор моддалар, шу жумладан, ўсимликларни, айниқса, диққат ва эътибор билан кузатиб, уларнинг маҳаллий номларини араб, форс, сурён, юнон, кейинчалик эса ҳинд тилларидаги номлари билан таққослаб, бўлғуси китоби учун маълумотлар тўплаган.

Берунийнинг моддалар хоссаларига, номларига бўлган қизиқишлари унинг «Хронология», «Геодезия», «Минералогия», «Сайдона» асрларида ўз аксини топган. «Сайдона» («Фармакогнозия») олим илмий фаолиятининг сўнги маҳсули бўлиб, афсуски Беруний уни тугата олмаган ва китоб қораламада, таҳрирсиз қолган. Бу китоб Берунийнинг бутун умри давомида йиққан маълумотлари асосида ёзилган бўлиб, унда ҳаётининг Хоразмда ўтган давридаги илмий кузатишлари натижалари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

«Сайдона»да йиғилган 1116 та дори модданинг 107 тасини маъданий моддалар, 880 тасини ўсимликлар, 101 тасини ҳайвоний моддалар, 30 га яқинини мураккаб дорилар ташкил этади. Бу дориларнинг турли тил ва лаҳжалардаги номига Беруний алоҳида аҳамият беради, чунки ўша даврдаги тиббий адабиётда бу борада жуда кўп хато ва чалкашликлар мавжуд эди. Беруний келтирган араб, юноний, сурёний, ҳинд, форс, хоразмий, туркий, сўғд ва бошқа тил ва лаҳжалардаги атамаларнинг сони 4500 га яқин бўлиб, бу иши билан олим ўша даврдаги доришунослик атамаларини тартибга солишга катта ҳисса қўшди.

«Сайдона»да келтирилган бой фактик маълумотлар XI асрдаги доришунсолик ва ботаника илми ҳақида тўлиқ тасаввур беради.

Берунийнинг ижодида табиий фанлар, жумладан географик билимлар салмоқли ўрин эгаллайди. Алломанинг географияга оид тадқиқотлари кўпроқ Хоразмда яшаган даври билан боғлиқ. У 16 ёшидаёқ ер юзида жойларнинг географик кенглигини аниқлаш билан шуғулланган ва Кат шаҳрининг географик кенглигини ўлчаган.

Ер шарини глобусда акс эттириш Берунийнинг география соҳасидаги машҳур хизматларидан бири саналади ва ушбу муҳим ишни у 995 йили Кат шаҳрида яшаб турганида амалга оширади.

Беруний ўзи ясаган глобусга географик объектларни белгилаб, аҳоли масканлари оралиғидаги масофаларга асосланиб, уларнинг географик координаталарини аниқлаган; яъни глобус яшадан маълум илмий мақсад қўйган эди.

Беруний Кат шаҳрида ясаган глобус Шарқда тайёрланган биринчи ва шу билан бирга рельефли глобус ҳисобланади. Ҳозирги тадқиқотларда унинг картография тарихида математик география принциплари асосида ясалган дастлабки глобус ҳам дейишади.

Берунийнинг Гургонда ёзган йирик асарларидан бири «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Хронология») бўлиб, унда тарих билан бир каторда математик картография тушунчалари ҳам берилган.

Алломанинг «ат-Тафҳим» асаридаги картада Ўрта денгиз, Болтик денгизи, Каспий денгизи, Қизил денгиз, Форс қўлтиги анча аниқ кўрсатилган. Арабистон, Ҳиндистон, Ҳиндихитой ярим ороллари ҳам ажралиб турибди; Миср, Шом, Макка, Ироқ, Форс, Хуросон, Ҳиндистон, Хитой каби жойларнинг географик ўрни тўғри белгиланган.

Ундан ташқари, Беруний глобусида Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудуди бўйича жой номлари, асосан, шаҳарлар кўпроқ кўрсатилган. Зеро глобусни тайёрлашдан мақсад, биринчи ўринда шаҳарлар орасидаги масофаларни белгилаш ва улар воситасида географик координаталарни аниқлаш эди.

Абу Райҳон Берунийнинг Гурганчда олиб борган илмий фаолиятида географиянинг бир қанча соҳалари - табиий география, гидрология, минералогия, астрономик география каби соҳаларга оид тадқиқотлар ўрин олган. Жумладан, аллома Гурганчнинг географик кенглигини аниқлагани маълум. Жойларнинг географик кенглигини ҳисоблаб топишда эса, уларни Қуёш ёки бошқа ёритқичлар баландлигига қараб белгиланган.

Дунё океани яхлитлиги масаласига ҳам Беруний янгича ёндашади ва ўзининг «Геодезия» асарида ер шарида океанлар ва материклар нисбатига, қадимги юнон ва Шарқ географик тушунчасида мавжуд анъанага ҳам маълум ўзгартириш киритади, яъни Клавдий Птолемей дунё картасида акс этган континентал концепция — Африка материгининг Осиё материғи билан жануб томондан уланганлиги ва Ҳинд ҳамда Тинч океанларининг ёпик денгиз шаклида акс эттирилганлигига қарши чиқиб, бундай назариянинг асоссизлигини исботлайди. Беруний тушунчасида дунё океани бир-бири билан қўшилган яхлит сув ҳавзасини ташкил қилади.

Америка қитъаси мавжудлиги тўғрисидаги фарзани Беруний «Ҳиндистон» асарида баён қилди. Беруний ўзининг илғор дунёқараши орқали Маъмун академиясида ҳукм сурган бағрикенгликдан келиб чиққан ҳолда ўша замондаги дин ниқоби остидаги айрим илм - фаннинг мутаассиб душманларига қарши қаттиқ ғазабини «Геодезия» асарида қуйидагича ифода қилади: «Уларнинг ашаддийлари жаҳолатда ўзига ўхшаганларнинг (илмга) нисбатан нафратини кучайтириш учун уни адашишдан (иборат) деб ҳисоблайдилар, улар ўзларига илм эгаларини йўқотиш эшигини очиш учун, ҳамда олимларнинг ҳалокати ва илмнинг инқирози билан ўз ҳолатларини сир сақлаш (мақсадида) илмга бидъат тамғасини босадилар». Берунийнинг бу фикри ҳозирги замон баъзи бир диний мутаассибликка берилган экстремистларга ҳам қарши қаратилганини кўпчилик берунийшунослар таъкидлаган.

Беруний қаламига ҳақиқий тарихий мавзудаги асар ҳам мансубдир: бу унинг «Хоразмнинг машҳур кишилари» асаридир. Бу асар «Хоразм тарихи» деб ҳам аталади. Асар тўлиқ ҳолда сақланмаган, фақат унинг йирик бир ларчаси Абул-Фазл Байҳақийнинг Султон Маҳмуд Ғазнавийга бағишланган «Тарихий Масъудий» асарида етиб келган. Байҳақий Маъмун хонадонининг ҳалок бўлиши сабаби, вилоятнинг қандай қилиб Маҳмуд салтанатига қўшиб олингани, Олтинтошнинг қандай қилиб хоразмшоҳ қилиб қўйилгани билан боғлиқ воқеалар Берунийнинг китобидан олинганини қайд этади.

Берунийнинг мадҳия, раддия, ишқий ва фалсафий мавзуларда шеърлар битгани ҳам маълум.

Ибн Сино мероси

Ибн Сино умри давомида уч юздан ортиқ асарлар ёзди. Унинг ёзган асарлари илм фаннинг барча соҳаларига оиддир. Илмнинг фалсафа, тиббиёт, астрономия, табиатшунослик математика, мусика, ҳуқуқ, ахлоқ, дин, адабиёт, тарих сингари соҳалари Ибн Сино томонидан қамраб олинган. Қомусий олим асарларини илмлар тармоғи бўйича тақсимлаганда, ўрта асрда маълум бўлган барча фанларни санаб чиқишга тўғри келади.

Ибн Сино ўз асарлари билан Марказий Осис халқлари маданиятини дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиқди. Шунинг учун ҳам унинг «Шайхур раис» ва «Олимлар олими» деб аталиши бежиз эмас. Олимнинг асосий фалсафий асарлари «Китоб аш-шифо» («Даволаш китоби»), «Донишнома», «Нажот», «Китоб ул-инсоф» («Адолат китоби»), «Китоб ал қонун фит тиб» («Тиб қонунлари китоби»)дан иборат.

Абу Али ибн Сино табиб ва файласуф (ҳаким) сифатида машҳур бўлган. Унинг бу соҳадаги асарлари ўрта асрларда лотинчага таржима қилинган ва унинг ўзи Ғарбий Европада лотинлаштирилган Авеценна номи билан шуҳрат қозонган. Булардан ташқари, Ибн Сино математика, астрономия, кимё, маъданшунослик, психология, илоҳиёт, мусика ва адабиёт билан ҳам шуғулланган ва бу соҳаларга бағишлаб асарлар ҳам ёзган.

Ибн Сино илмий дунёқараши қуйидаги асрларида ёрқин ифодасини топган:

«Китоб уш-шифо» - фалсафий энциклопедия;

"Китоб ун-нажот"- фалсафий асар;

«Донишнома» - форс тилида ёзилган фалсафий асар;

«Геометрия ҳақида рисола»;

«Арифметикадан қисқартма»;

«Кузатиш асбоблари»;

«Самовий жисмлар ҳақида рисола»;

«Иксир ҳақида рисола»;

«Тиб қонунлари» -тиббӣй энциклопедия;

«Юрак дорилари» -тибга оид;

«Тиббӣй уржуза» - тибга оид шеърий достон;

«Зарарларни йўқотиш...» - соғлиқни сақлашга оид;

«Саломон ва Ибсол» - фалсафӣй қисса;

«Ҳайт ибн Яқзон» фалсафӣй қисса;

«Мантиқ бўйича уржуза» -мантиқ бўйича шеърий асар;

«Муסיқа илми»;

Ибн Сино билан Берунӣй ёзишмалари - физика ва фалсафага оид;

«Намознинг моҳияти ҳақида рисола» - фикҳга оид ва бошқалар.

Ибн Сино қаламига мансуб турли мавзулардаги 50 та асарнинг 60 та кўлёзмаси ЎзР ФА Абу Райҳон Берунӣй номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Уларнинг орасида энг машҳур «Тиб қонунлари», «Юрак дорилари», «Китоб уш - шифо»нинг айрим қисмлари, Берунӣй билан ёзишмалар ва бошқа илмӣй аҳамиятга молик асарлар бор.

3.2. Марказий Осиё алломалари меросининг аҳамияти.

Маълум бўлдики, алломалар мероси ўз моҳиятига кўра хилма-хилдир. Улар орасида табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий мерослар алоҳида ажралиб туради.

Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир миллат ва элат сингари ўзбек халқининг ҳам ўзига яраша ажойиб моддий, маънавий, тарихий мероси бор. Уларни оқилона ва ҳолисона ўрганиш маънавий юксалишнинг омилидир. Тажриба шуни кўрсатадики, инсоний ва миллий қадриятларга ёндашишда ғайри илмий ва ғайри объектив йўлдан бориш фалоқатли салбий оқибатларга олиб келади. Миллий маданият ва анъаналарга, миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш миллатнинг ўзига нисбатан эъзозли муносабатнииг, Ватанга садоқатнинг мустаҳкам гаровидир.

Миллий меросни юксалтириш борасида барча соғлом кучлар билан ҳамкорликни кучайтириш катта аҳамият касб этади.

Миллий меросининг тикланиши туфайли бугун жонажон Ватанимизнинг «ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб хис этаяпти ва бундан фахрланияпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак асло янглишмаган бўламиз»¹.

Эндиликда халқимизнинг онгида кескин ўзгаришлар рўй бермокда, улар ўз кадр-қимматларини теранроқ англай бошляпти, бунинг натижасида Ватан, ватандошлар туйғуси, эски мафкуравий қобиқлардан халос бўлиб, ўзининг асл киёфасини топмокда.

Халқимизнинг бой тарихий маданияти, урф-одат ва анъаналарини чуқур билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, уларни муттасил ошириб боришга интилиш мамлакатимиздаги барча элат ва миллатларнинг келажаги буюк давлатни барпо қилишдек муаззам мақсад йўлида жипслашишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. - Т.: Ўзбекистон, 1993. 4-бет.

Миллий меросни чуқур ўрганиш кишиларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ҳам катта аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, мустақилликка, эришган ҳар бир мамлакат ўз доирасида чегараланиб қолмасдан, бошқа халқлар томонидан тикланган қадриятлардан оқилона фойдаланган тақдирдагина тараққиёт йўлига туша олади. Буни биз Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаётидан ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда ҳам ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда, нимаки янги ва илгор жиҳатлар бўлса шунга дадиллик билан интиломда. Бунда айниқса мусулмон халқлар томонидан тўпланган тажрибалар ва мерос кўл келмокда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миллий мерос умуминсоний мерос билан узвий боғланган бўлиб, улар бир-бирига таъсир этади, бири иккинчисини тўлдиради, мазмунан бойитади.

Миллий ва умуминсоний мерос қотиб қолган, ҳеч қачон ўзгармайдиган нарсалар эмас. Аксинча, жамиятдаги иқтисодий, сийсий, маданий ва бошқа соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар, таъсирида миллий ва умуминсоний мерос ҳам доимо ривожланиб, ўзгариб, янгиланиб туради. Натижада муайян бир вақтда сунъий ва мажбурий равишда халдимиз қастига киритилгай айрим қадриятлар аста-секин аҳамиятини йуқотиб, барҳам топиб кетиши мумкин.

Ҳар бир инсоннинг келажак ҳаёти, унинг бахт-саодати мерос билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги мураккаб вазиятда миллий ва умуминсоний меросни янада яқинлаштириш катта аҳамиятга эгадир. Бунда мамлакатлар, халқлар ўртасида савдо иқтисодий, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш катта ўрин тутишини эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Миллий ва умуминсоний меросни уйғунлаштиришда осойишталик барқарорлик каби ижтимоий сиёсий қадриятларнинг аҳамияти беқиёсдир. Бу соҳада ҳам жумхуриятимизда кўпгина хайрли ишлар қилинмокда. Натижада Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи тобора ошиб бормокда. Ўзбекистон раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати, республикада ва минтақада тинчлик

ва осойишталикни сақлаш, ҳар бир хонадоннинг тотувлигини таъминлаш, иқтисодий барқарорликни бир меъёрга ушлаб туриш ва ҳалқ хўжалиги мураккаб вазиятга тушиб қолган ҳозирги пайтда аҳоли турмуш шароитини мувофиқлаштириб туришдаги доно сиёсати ва тадбиркорлиги жаҳон халқлари томонидан юқори баҳоланмоқда. Буюк Марказий Осийё алломаларининг миллий мероси жамиятимизнинг чексиз ва туганмас бойлигидир. Уни авайлаб сақлаш ва оқилона ривожлантириш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Тарихий манбаларда аجدодларимизнинг битмас-туганмас маънавий мероси ва тарихий анъаналари асрлар давомида сақлаб келинганлиги ўз ифодасини топган. Илмий мерос халқимизнинг ўзлигини англаб етишда, миллий ғурурини шаклланишида бекиёс хизмат қилиши мустақил давлатимиз фуқароларининг руҳий жиҳатдан истиқлол ва истиқбол учун фидоийликка етаклашининг шарти ва кафолатидир. Ўтмиш меросни, гуманистик меросни билиш ҳамда эъзозлаш, уларни келажак авлодларга тўла-тўқис ҳолда етказиш мақсадга мувофиқдир. Ўтмиш меросига, анъаналарига ва турмуш тарзига бефарқ қарамаслик лозим. Чунки маънавий мерос, миллий ва умуминсоний мерос каби комил инсон шаклланишининг муҳим омилларидан биридир.

Буюк мутафаккирларимиз қайси замонда яшамасин, қайси тилда асар яратмасин, ўз элини, унинг мероси, урф-одатларини унутмаганлар, доимо миллатни, миллий ўзликни улуғлаганларини юқоридаги бобда кўриб ўтдик.

Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюклар эл-юртимиз тарихини, маданиятини, санъатини, меросини, урф-одатларини ўрганиш ва уларни кейинги авлодга етказиш учун қалам тебратганлар¹.

¹ Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 89 — бет

ХУЛОСА.

Мустақиллик йилларида илдам қадамалар билан маънавий ҳаётимизга кириб келиб, онгимизда ўрнашган, бизнинг кудналик ва назарий онгимизда ўз ўрнига эга бўла бошлаган тушунча - миллий мерос узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган. Истиқлол йилларида бу тушунча жамият ҳаётига кириб кела бошлаши билан уларни илмий тадқиқ қилиш, жамиятдаги ўрнини белгилаб беришга бир қанча уринишлар бўлди.

Халқимизнинг миллий мероси, юксак маънавий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни мустақил ўлкамизда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириш, айниқса ёш авлодни маънавий етук, фидоий, миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларни фидоий кишилар қилиб шакллантириш ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, гарчи мустақиллик йилларида миллий меросларни тадқиқ қилиш, миллий мерос ва умуминсоний меросларни ўрганиш, уларни ёшлар онги ва шуурига сингдириш борасида кўп ишлар қилинган бўлса-да, ҳали булар етарли эмас. Бизнингча миллий ва умуминсоний мерос, улар ўртасидаги алоқадорлик адабиётларда кенгрок ёритилса мақсадга мувофиқ бўлиб, ёш авлодни миллий ғоя руҳида тарбиялаш жараёнини тезлаштиради.

Мавзуни атирофлича ўрганиб, қуйидагича хулосаларга келдик:

-илмий мерос инсоният ҳаётида етакчи ўрин тутувчи, ўзига хос ҳодисалардан биридир. Миллий ва умуминсоний мерос доимо ўзаро бир-бирига таъсир қилиб келганлар;

-миллий мерос умуминсоний мерос каби жамият тараққиётида муҳим ўрин тутди;

- мустақиллик йилларида халқимизнинг минг йиллик илмий мерос тикланди, янада такомиллаша бошлади;

-Марказий Осиё қомусий олимлари илмий асарларида миллий ва умуминсоний қадриятлар етарли баҳосини топган;

-Марказий Осиёдан етишиб чиққан мутафаккирлари инсон камолотида миллий меросни ўрни бекиёс эканлигини таъкидлаганлар;

-миллий ва умуминсоний мерослар ёшларни яхшиликка, ҳақиқий комил инсон бўлишга етаклайдиган муҳим омилдир.

Президентимиз алломаларимизга баҳо бера туруб, “Кишилиқ тараққиётига ўзининг ўчмас улушини қўшиб, мамлакатимиз шухратини оламга таратиб, тарих саҳифаларига абадул-абад муҳрланган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари улуғ сиймолар етиштирган миллат ҳар қанча ғурурланса арзийди”, деб ёзади.

Миллий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизни қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятимизда ўтказилаётган ислохотлар муваффақиятли амалга ошади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича фикрлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан босиб ўта олади.

Мустақил республикаимиз янги тарихий босқичга, XXI асрга қадам қўйди. Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги бош ва асосий мақсади-бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси аввало, шахсий фаоллик, билимдонлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар соҳиби бўлиши лозимки, бу жараёнда халқимиз маънавий ва маърифий мероси, қадриятларидан унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Бугунги кунда халқимизнинг руҳиятини баланд кўтариш учун юртига, она-Ватанга чексиз муҳаббат туйғусини қалбида мужассам этган, дили пок, маърифатга ташна баркамол ёшларни тарбиялаш зиёлиларнинг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Бу ўринда биз юқорида келтирган фикр ва мулоҳазалардан ўринли фойдаланиш, айниқса миллий истиқлол ғоясининг тарихий-маънавий-фалсафий илдизлариданда кенгроқ фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси—халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир -Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
5. Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Маъмун академияси. –Т.: 2005.
6. Абдуҳалимов. Байт ул-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Боғдоддаги илми фаолияти. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
7. Азиз Қаямов. Аҳмад Фарғоний. -Т.: Чўлпон, 1998.
8. Баҳодиров Р. Абу Абдуллоҳ ал – Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. –Т.: 1995.
9. Баҳодиров Р. Из истории классификации наук на средневековом Востоке. –Т.: Фан, 2000.
10. Беруний туғилган кунининг 1000- йиллиги. –Т.: Фан, 1973.
11. Буюк сиймолар, алломалар: (Марказий Осиёдаги машҳур мутафаккир ва донишмандлар). К. 1. -Т.: Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.
12. Буюк сиймолар, алломалар: (Марказий Осиёдаги машҳур мутафаккир ва донишмандлар). К. 2. -Т.: Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996.
13. Буюк сиймолар, алломалар: (Марказий Осиёдаги машҳур мутафаккир ва донишмандлар). К. 3. -Т.: Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997.
14. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Т.: 1999.
15. Магистратура таълими фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Магистрлик диссертацияси . -Т.: ЎзМУ босмахонаси, 2010.
16. Маъмун академияси ва унинг дунё илм-фани тараққиётидаги ўрни. Маърузалар матни. -Т.: 2007.
17. Маънавият юлдузлари. –Т.: Маънавият, 1999.
18. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. -Т.: Академия нашриёти, 2007.

19. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т.: Шарқ, 2006.
20. Сафарбоев М. Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни. -Урганч: 2006.
21. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т.: 1997.
22. Уватов У. Ўзбекистон - буюк алломалар юрти. -Т.: 2010.
23. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
24. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.: 1971.
25. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. –Т.: Фан, 1994.
26. Хоразм Маъмун академияси: тарихи , бугуни ва келажаги. Мавзуидаги конференция материаллари, -Хива: 2005.
27. Эминов А.М., Қаршибоев Ҳ.Қ. Бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари учун битирув малакавий ишларни таёрлаш ва ҳимоя қилишга оид услубий кўрсатмалар. –Гулистон: 2010.
28. Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. –Т.: Шарқ, 2004.
29. Ҳамиджон Ҳамидий. Кўҳна Шарқ дарғалари. -Т.: Шарқ, 2004.
30. Ҳамидов Ҳ. Олис – яқин юлдузлар. –Т.: 1990.
31. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислам маданияти. -Т.: 2005.
32. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. -Т.: 1997.
33. Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб – мусулмон маданияти. -Т.: 1990.
34. [www. ziyo net.net](http://www.ziyo.net.net).
35. www. history.ru
36. www. istedod.uz
37. www. akademik.ru
38. www. pedagog.uz
39. www. kutubxona.uz
40. www. ilm.uz

ГЛОССАРИЙ

Байт ул-хикма-арабча ҳикматлар уйи.

Билим - инсон онгида акс этган объектив борлик.

Билиш-билим олиш ва унинг ривожланиши, муттасил чуқурлашуви жараёни.

Глобал муаммолар – муайян мамлакатлар ва минтакаларгагина эмас, бутун дунёга ҳам дахлдор бўлган даврнинг умуминсоний муаммолари мажмуи.

Глобализация (ист.) - ягона жаҳон иқтисодий бунёд этилиши асосида жаҳон давлатлари ва халқлари яқинлашувининг фалсафий-социологик таърифи.

Жаруллоҳ-Оллоҳнинг кўшниси-Маҳмуд аз-Замахшарий нинг шарафли номи.

Жаҳолат — нодонлик, билимсизлик, жаҳдга тобе бўлиш. Қанча муддаг расмий ва зоҳирий илмларни ўрганиш билан машғул бўлмасин, барибир ҳақиқатни идрок айланиш қобилиятдан маҳрим қолдирадиган кўнгил.

Илмий кашфиёт — моддий дунёнинг илгари маълум бўлмаган, билишнинг ривожланиш даражасини тубдан ўзгартирадиган, объектив тарзда мавжуд қонуниятлари, хоссалари ёки ҳодисаларини аниқлаш демакдир.

Интеллект — тафаккурнинг ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакни оқилона билиш қобилияти.

Калом (араб, нутқ, сўз) - ислом илоҳиёт илми. VIII асрда пайдо бўлган таниқли илоҳиётчи ал-Ашъарий (873-935) томонидан асос солинган. Унинг фикрича Аллоҳ инсонга хос (антроморфик) хусусиятга эга калом ислом диний таълимотини асослашга ҳаракат қилади.

Маърифат — ақлу дониш, амалий билим, таниш, фаҳм, тасаввуфга хос илм; ҳол сирлари ва илоҳий ҳақиқатларга тегашли илм-ирфон. «Кашф ул-махжуб» муаллифининг айтишича, фуқаҳо сингари бошқа кишилар ҳам Аллоҳ ҳақидаги илмга «маърифат» номини берганлар. Тариқат шайхлари эса Аллоҳ хусусидаги сикатли ҳолни «маърифат» дея атаганлар. Ва шунга кўра, «Маърифат илмдан кўп қарра устундир», деганлар.

Метод - қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган амалий ёки назарий фаолият усули.

Методология - билиш методлари ва шаклларида ҳақидаги фалсафий таълимот.

Миллий салоҳият-милатнинг мавжуд иқтисодий, илмий, маданий, маънавий ва бошқа имкониятлари.

Муаммо - ечими муайян амалий ёки назарий аҳамиятга эга бўлган тўсиқ, масала, вазифа. Бошқача қилиб айтганда, бу билмаслик ҳақидаги билим, жавоб топиш керак бўлган саволдир.

Табиатшунослик - XVII-XVIII асрларда табиат, унинг ривожланиши ва ўзгариши ҳақидаги фанлар ва илмий билимлар йиғиндиси тарзида шаклланган таълимот.

Тафаккур — фикр, муҳокама этиш. Аллоҳнинг зотидан бошқа ҳамма нарса тўғрисида мушоҳада этиш. Абу Али Рўзборийнинг айтишича, тафаккурнинг тўрт шакли бор-дир: 1. Аллоҳнинг оят ва аломатларига доир тафаккур. Бу муҳаббатни майдонга келтиради. 2. Унинг саюб ва жаннатга тегишли даъватларини тушунмоқ. Бундан рағбат ва иш-тиёқ ҳосил бўлади. 3. Унинг азоб ва жаҳаннамга дахлдор ҳукмларини тафаккур айланиш. Бундан хавф, яъни қўрқув туғилади. 4. Аллоҳнинг эҳсон ва нафсининг жафосини мушоҳада этиш.

Техника - инсон томонидан яратилдиган, унинг яшаши ва ишлаши учун зарур бўлган предметлар системаси.

Фан - билиш фаолиятининг янги, объектив, системали тарзда уюшган билимлар ишлаб чиқишга йўналтирилган алоҳида тури.

Фан-техника таракқиёти – фан ва техниканинг ягона, ўзаро боғлиқ тарзда илгарилаб ривожланishi.

Фаросат - сезиш, ҳис қилиш. Тасаввуфда басират кўзи ила ғайбни кўриш, пинҳоний кашф айланидир. Бошқача қилиб айтганда, рухнинг илоҳий бир қувват билан англаб тафаккур этиши туфайли ғайбий маъноларни билишидирки, бунга фаросати ақлия дейилган.

Фикрлаш - билишнинг олий шакли, борлиқнинг тушунчалар, мулоҳазалар ва мушоҳадалардаги мантиқий инъикоси.

Шайхи ур раис-олимлар устози-Абу Али ибн Синонинг шарафли номи.

Шарқ Ренессанси – VII-XII ва XIV-XV асрларда араб Шарқида ва Марказий Осиёда маънавий ва маданий қадриятларнинг тикланиши, фалсафа ва фан, адабиёт ва санъатнинг жадал ривожланиши даври.

АКАДЕМИЯЛАР ТАРИХИДАН:

№	Академиялар номи	Раҳбари	Хомийси	Ташкил этилгани вақти	Олимлар сони	Шиори
1	"Платон академияси" Афина	Платон	-	Эрализдан олдинги 385 йил	90-100 тагача	"Геометрияни билмаган-бу жойга кирмасин"
2	"Байт ул-ҳикма" Богдод	Мусо Хоразмий	Халифа Абдуллоҳ ал-Маъмун	819 йил	300-500 тагача	"Илм-фан кишилар хожатини чиқармоқдир"
3	"Мажлис уламо" Урганч	Абу Райҳон Беруний	Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун	1004 йил	100-300 тагача	-
4	Улуғбек академияси Самарқанд	Мажиддин Ҳавофий	Мирзо Улуғбек	1420 йил	90-200	-
5	"Бойсунғур академияси" Хирот	Жафар Табризий	Бойсунғур Мирзо	1420 йил	40-50 тагача	-
6	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тошкент	Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий	-	1943 йил 4 ноябр	122 аъзоси, 5259 илмий ходим, 360 фан доктори, 860 фан номзоди. (2000 йил)	Фан ва техника соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш

ЎРТА ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИ

T/p	Ф.И.Ш	Яшаган йиллари	Энг машҳур асари	Шарафли номлари
1	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий	783-850	“Ал-жабр вал-муқобала”	Algaritumus
2	Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний	797-...	“Астрономия илми асослари”	Алфраганус
3	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий	810-879	“Ал-Жоме ас –Саҳих”	Бухорий
4	Абу исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ат-Термизий	824-892	“Ал-Жомий”	Термизий
5	Абу Наср Форобий*	873-950	“Фозил одамлар шаҳри”	Иккинчи муаллим
6	Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний*	973-1048	“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”	Беруний
7	Абу Али Ҳусайин ибн Абдуллоҳ ибн Сино*	980-1037	“Тиб қонунлари”	Авиценна
8	Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий аз-Замахшарий	1075-1144	“Ал-Муфассал”	Фахру Хоразм, Жоруллоҳ
9	Имом Бурхониидин Абул-Хасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний	1123-1197	“Ҳидоя”	“Бурхон уд-дин вал милла”
10	Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек	1394-1449	“Зижи жадирий кўрагоний”	Улуғбек, Кўрагон
11	Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Қозизода Румий	XIV аср охири XV аср боши	“Рисола фил-ҳисоб”	Қозизода Румий
12	Жамшид ибн Масуд ибн Маҳмуд Ғиёсиддин ал-Коший	Вафоти-1429	“Хоқон зижи”	Коший
13	Алоуддин Али ибн Муҳаммад ал-Қушчи	1402-1474	“Рисолаи ҳисоб”	Қушчи
14	Камолиддин Бехзод	1455-1537	Али Яздий, Жомий, Байқаро, Навоий, портретларини чизган.	Устот Бек, Шарқ Рафаэли

* Қомусий олимлар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ПРЕЗИДЕНТЛАРИ:**

Т/ р	Ф.И.Ш.	Туғилган йили	Мутахассислиги	Рахбарлик йиллари	Олган мукофотлари
1	Қори-Ниёзий Тошмуҳаммад Ниёзович	1896-1970	Математик	1943-1947	Меҳнат қаҳрамони, ДМЛ ¹
2	Саримсоқов Тошмуҳаммад Алиевич	1915-1995	Математик	1947-1952	ДМЛ
3	Зоҳидов Теша Зоҳидович	1906-1981	Зоолог	1952-1956	ДМЛ
4	Абдуллаев Хабиб Муҳаммедович	1912-1962	Геолог	1956-1962	Ленин ва ДМЛ СССР ФА МА
5	Орипов Убай Орипович	1909-1976	Физик	1962-1966	ДМЛ
6	Содиқов Обид Содиқович	1913-1987	Химик	1966-1982	Меҳнат қаҳрамони, ДМЛ СССР ФА МА
7	Хабибуллаев Пўлат Қирғизбоевич	1936-2010	Физик	1982-1988	ХМЛ ва ДМЛ СССР ФА МА
8	Салоҳиддинов Маҳмуд Салоҳиддинович	1933	Математик	1988-1994	ДМЛ
9	Абдуллаев Жўра Абдуллаевич	1927	Энергетик	1994-1995 в.б.	-
10	Жўраев Тўхтамурод Жўраевич	1934-2009	Математик	1995-2000	ДМЛ
11	Юлдашев Беҳзод Содиқович	1945	Физик	2000-2005	ДМЛ
12	Орипов Тохир Фатихович	1945	Химик	2005-2006 в.б. 23/11- 12/3	-
13	Солиҳов Шавкат Исмоилович	1944	Химик	2006-13/3 ҳ.в	-

¹ ДМЛ - Давлат мукофотини лавриати, ХМЛ - хориж мукофотини лавриати, СССР ФА МА -Иттифоқ фанлар акедемиясининг мухбир аъзоси демакдир.

12 БУЮК СИЙМО¹:

1. Муҳаммад ал-Хоразмий
2. Аҳмад ал-Фарғоний
3. Имом ал-Бухорий
4. Абу Наср Форобий
5. Абу Райҳон Беруний
6. Абу Али ибн Сино
7. Баҳоуддин Нақшбанд
8. Амир Тему́р Кўрагон
9. Мирзо Улуғбек
10. Хўжа Ахрор Валий
11. Мир Алишер Навоий
12. Заҳриддин Муҳаммад Бобур

Ушбу тартиб Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги таърифларига асосан тузилган.

Кишилиқ тараққиётига ўзининг ўчмас улушини қўшиб, мамлакатимиз шуҳратини оламга таратиб, тарих саҳифаларига абадул-абад муҳрланган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари улуғ сиймолар етиштирган миллат ҳар қанча ғурурланса арзийди.

И.Каримов

Буюк давлат пойдеворини куриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ал-Бухорий, ат-Термизий, Амир Тему́р, Мирзо Улуғбек, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади, халқимизни кучига-куч, ғайратига ғайрат, ишончига ишонч қўшади.

И.Каримов

¹ Исмоилов С. Ўзбекистон буюк сиймолар юрти. –Гулистон: 2006 йил рисоласи бўйича.

“Буюк сиймолар, алломалар” (Ўрта осиелик машхур мутафаккирлар ва донишмандлар). 1-китоб. (Нашрга тайёрловчи М.Хайруллаев). –Т.: 1995.

1-китоби бўйича алломалар рўйхати:

1. Мусо ал-Хоразмий — т.ф.д. А.Аҳмедов-9
2. Аҳмад Фарғоний — т.ф.д. А.Аҳмедов-16
3. Адиб Аҳмад Югнакий — фил.ф.д. М. Имомназаров-21
4. Имом ал-Бухорий — фил.ф.н. У.Уватов-26
5. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий — фил.ф.н. У.Уватов-29
6. Абу Наср Фаробий — М.М.Хайруллаев-32
7. Абу Али ибн Спно — М.М.Хайруллаев-41
8. Абу Райҳон Берунпй — фалс.ф.д. А.Шарипов-48
9. Абу Абдуллоҳ Рудакий — фалс.ф.д. М.Б.Баратов-54
10. Носир Хисрав — фалс. .д. М.Болтаев-56
11. Юсуф Хос Ҳожиб — фил.ф.д. М.Имомназаров-62
12. Маҳмуд Қошғарий — фил.ф.д. М.Имомназаров-67
13. Маҳмуд аз-Замахшарий — фил.ф.н. У.Уватов -73
14. Исмоил Журжоний— фалс.ф.н. М.Қодиров-78
15. Маҳмуд Чағминий — фалс.ф.н. М.Қодиров-82
16. Бурҳонуддин ал-Марғиноний — илмий ходим О.Қориев-85
17. Аҳмад Яссавий — фил.ф.д. О.Усмонов-88
18. Баҳовуддин Нақшбанд — фил.ф.д. О.Усмонов-92
19. Нажмиддин Кубро — фалс.ф.н. М.Қодиров-99

“Буюк сиймолар, алломалар” (Ўрта осиелик машхур мутафаккирлар ва донишмандлар). 2-китоб. (Нашрга тайёрловчи М.Хайруллаев). –Т.: 1996.

2-китоби бўйича алломалар рўйхати:

1. Ампр Темур—11
2. Шохрух Мпрзо — т.ф.н. Т.Файзиев-17
3. Улуғбек — т.ф.д. А.Аҳмедов-19
4. Тафтазоний — фалс.ф.н. М.Қодиров-27
5. Журжоний — фалс.ф.н. М.Қодиров -30
6. Қозизода Румий — т.ф.д А.Аҳмедов-34
7. Ғиёсиддин ал-Коший — т.ф.н. Д.Юсупова-37
8. Али Қушчи — т.ф.д. А.Аҳмедов-40
9. Яъқуб Чархий — М.Ҳасанов, т.ф.н. О.Бўриев-45
10. Хожа Муҳаммад Порсо — т.ф.н. О.Бўриев, М.Ҳасанов-47
11. Хожа Аҳрор — т.ф.д. А.Ўринбоев-51
12. Саккокий—т.ф.н. Қ.Муниров-54
13. Лутфий—фил.ф.д. С.Эркинов -57
14. Абдурахмон Жомпй — фил.ф.д. А.Ҳайитметов-63
15. Алишер Навоий — фил.ф.д. М.Имомназаров-71
16. Қосим Анвар — фалс.ф.д. Ҳ.Алиқулов-76
17. Давлатшоҳ Самарқандий — т.ф.н. Д.Юсупова-78
18. Ҳусайн Бойқаро — т.ф.н. Т.Файзиев-32
19. Жалолиддин Давоний — фалс.ф.д. Ҳ.Алиқулов -34
20. Ҳусайн Воиз Кошифий — фалс. ф.н.р. Ж.Маҳмудов-87

21. Камолиддин Беҳзод — фил.ф.д. О.Усмонов-90
22. Фасих Ҳавофий — т.ф.н. Д.Юсупова-95
23. Низомиддин Шомий — т.ф.д. А.Ўринбоев-97
24. Шарафуддин Али Яздий — т.ф.д. А.Ўринбоев-100
25. Абдураззоқ Самарқандий — т.ф.д. А.Ўринбоев-104
26. Мирхонд — т.ф.н. Д.Юсупова -107
27. Хондамир — т.ф.н. Д.Юсупова-109
28. Заҳириддин Муҳаммад Бобур — ЎзР ФА мухбир аъзоси С.Азимжонова, т.ф.н. Д.Валиева-112

“Буюк сиймолар, алломалар” (Ўрта осийлик машҳур мутафаккирлар ва донишмандлар). 3-китоб. (Нашрга тайёрловчи М.Хайруллаев). –Т.: 1997.

3-китоби бўйича алломалар рўяхати:

1. Махдуми Аъзам — т.ф.н. Б.Бобожонов-18
2. Муҳаммад Шайбонийхон — т.ф.д. Р.Г.Мукминова-23
3. Подшоҳўжа — фал.ф.д. Ҳ.Алиқулов, ф.ф.н. С.Ғозиев-26
4. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлот — т.ф.д. А.Ўринбоев-28
5. Юсуф Қорабоғий — фал.ф.д. М.Нуриддинов-33
6. Абулғозийхон — т.ф.н. Қ.Муниров-36
7. Муҳаммад Шариф Бухорий — фал.ф.д. М.Нуриддинов-39
8. Турди Фароғий — ф.ф.д. А.Ҳайитметов-41
9. Бобораҳим Машраб — ф.ф.д. А.Абдуғафуров
10. Сўфий Оллоёр - ф.ф.н. И.Сувонқулов, фалс.ф.н. М.Қодиров-52
11. Махтумқули — ф.ф.д. С.Эркинов-54
12. Увайсий — ф.ф.д. М.Қодирова-57
13. Нодира — ф.ф.д. М.Қодирова -60
14. Махмур — ф.ф.д. А.Абдуғафуров-65
15. Гулҳаний—ф.ф.д. А.Абдуғафуров-69
16. Мунис Хоразмий — т.ф.н. Қ.Муниров-71
17. Огаҳий — фалс.ф.н. М.Сафарбоев-74
18. Комил Хоразмий — Ф.Қобулов-77
19. Аҳмад Дониш — фалс.ф.д. Х.Воҳидов, М.Хайруллаев-80
20. Бердақ — фалс.ф.д. Х.Алиқулов, фалс.ф.н. У.Худойбергенова-82
21. Чўқон Валихонов — ф.ф.н. Қ.Сейданов-85
22. Абай — ф.ф.н. Қ.Сейданов-87
23. Муҳаммад Раҳимхон II— Феруз — проф. Н.Қобулов-89
24. Сатторхон Абдулғаффоров — фалс.ф.д. Х.Воҳидов-93
25. Муқимий — ф.ф.д. А.Абдуғафуров-95
26. Фурқат — ф.ф.д. А.Абдуғафуров-100
27. Завкий — ф.ф.д. А.Абдуғафуров-105
28. Баёний — т.ф.н. Қ.Муниров-109
29. Махмудхўжа Беҳбудий — ф.ф.д. Б.Қосимов-113
30. Мунавварқори Абдурашидхонов — ф.ф.д. Б.Қосимов-118
31. Абдулла Авлоний — ф.ф.д. Б.Қосимов-121
32. Аваз Ўтар — проф. Н.Қобулов-125
33. Фитрат — ЎзР ФА мухбир аъзоси С. Мамажонов-129
34. Садриддин Айний — ф.ф.д. Н.Каримов-134
35. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий — ЎзР ФА мухбир аъзоси С. Мамажонов-136

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг
“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,
барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” –Т.:**

Ўзбекистон, 1997. асари бўйича

АЛОМАЛАРИМИЗГА БЕРИЛГАН БАҲО¹:

Узоқ ўтмишдаёқ ўзбек халқининг илғор мутафаккирлари олиб
борган тадқиқотлар, уларнинг амалга оширган кашфиётлари жаҳон,
умуминсоният фани ва маданиятининг олтин хазинасини ташкил
этади. Билимлар хазинасини очган буюк аجدодларимизнинг
номлари бутун дунёда машҳур.

Булар буюк **математик ва астрономлар** ал-Хоразмий,
Фарғоний, Жавҳарий, Марвазий, Улуғбек;

файласуф ва илоҳиётчи-ҳуқуқшунослар Форобий, Имом
Бухорий, Имом Термизий, Марғиноний, Насафий;

қомусий олимлар Беруний, Ибн Сино;

тилшунос-шоирлар Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб,
Замахшарий, Алишер Навоий;

тарихчилар Бобур Мирзо, Абулғози Баҳодирхон, Огаҳий ва
бошқа кўпгина улуғ зотлардир.

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” –Т.: Ўзбекистон, 1997. 259 бет.